

HUQUQ

25

(340)

YURIDIK GAZETA

Гуна

D.	7	14	21	28	
S.	1	8	15	22	29
Ch.	2	9	16	23	30
P.	3	10	17	24	
J.	4	11	18	25	
Sh.	5	12	19	26	
Y.	6	13	20	27	

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

21 июнь куні Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бора-сидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижросига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

МАМЛАКАТИМИЗ раҳбари ушбу Фармон хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини, жамият ва давлат қурилишига оид вазифаларни бажаришдаги ўрнини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни бутунлай янги босқичга — юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар талаби даражасига кўтариш чора-тадбирларини жорий этиш мақсадида қабул қилинганини қайд этди.

Ийгилишда Фармонни бажаришда қандай мақсадлар илгари сурилаётгани, нималарга эътибор бериш зарурлиги, бу борадаги ўзгаришларни таъбиқ этишга ҳалал берадиган, эски тузумдан мерос иллатлардан халос бўлиш йўллари хусусида сўз болди.

Ислом Каримов Республика Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари ишини танқидий таҳлил этиб, ушбу тузилма фаолиятининг энг муҳим вазифа ва йўналишлари ху-

сусида атрофлича тўхталиди.

— Хотин-қизлар кўмитаси ўзи да аввало жамоатчилик ташаббусини муваффақиятга олиш, биз кураётган фуқаролик жамиятининг муҳим институти, узвий бўлини ҳисобланадиган тузилмадир, — деди Юртбошимиз. — Давлат ушбу жамоатчилик ташкилотини моддий қўллаб-қувватлашга, қўмақлашишга тайёр. Лекин ташаббус, фаолият, замон талаблари даражасида ишчанлик қуйидан — шу ташкилот фаолларидан чиқиши керак.

Мажлисида Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова, Олий суд раиси Ф.Муҳитдинова, ички ишлар вазири З.Алматов, «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси бошқаруви раиси А.Гадоибоев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев ва бошқалар сўзга чиқди.

(ЎзА)

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

МУҲБИР

Ўзим оддий, сўзим анвар,
Суханворман, каломим ҳам,
Мақолим ҳам мақоламда.

Қуёш бошим дунё кезар
Ҳақни излаб, осоним ҳам,
Мақолим ҳам мақоламда.

Гоҳ эгилдим, гоҳ керилдим,
Каноним ҳам, камолим ҳам,
Мақолим ҳам мақоламда.

Арз қилмадим мансаб бер деб,
Амалим ҳам, алалим ҳам,
Қаламим ҳам мақоламда.

Қалам нелар кўтармади,
Соч оқарди тонгдек, тушган
Қор тўлам ҳам мақоламда.

Деманг элдан узилган бу
Халқам, халқим билан бўлган
Алоқам ҳам мақоламда.

Аё, сайёҳ, кўлингда не?
Дунё кезма, дам ман билан
Қол, олам ҳам мақоламда.

Довуд МАҲДИЙ

КАСБ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

SHHTNING TOSHKENT SAMMITI

ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

ДУНЁ сиёсатида кузатишган ушбу ойнанинг энг муҳим воқеаларидан бири, шубҳасиз, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ)нинг Тошкент саммити бўлди.

Маълумки, 2001 йил 15 июн кунини Хитойнинг Шанхай шаҳрида Россия, Хитой, Қозғоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатлари раҳбарлари Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти тузиш тўғрисидаги декларацияга имзо чеккан эдилар. Унда ташкилотнинг доимий ишловчи икки органи — котибият ва минтақавий ақсилтеррор тузилмасини ташкил этиш кўзда тутилган эди. 2002 йил 7 июн кунини Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ШХТнинг хартияси қабул қилиниши билан у халқаро юридик ташкилот мақоми олдди. Утган йилнинг 29 май кунини ШХТнинг Москва саммитида жорий йилнинг январидан Пекинда котибияти, Тошкентда эса минтақавий ақсилтеррор тузилмаси ижроа кўмитасини ишга туширишга қарор қилинди.

Утган йилнинг сентябр ойида ҳукумат раҳбарлари кенгаши қарори билан савдо-иқтисодий соҳада кўп томонлама ҳамкорликнинг узук мундтадли дастури ишлаб чиқиш, тасдиқланди.

Энди Тошкент саммитига қайтсак, ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари Нурсултон Назарбоев, Ху Цзиньтао, Аскар Акаев, Владимир Путин, Имомали Раҳмонов ва Ислом Каримовнинг тоқ дорадаги учрашуви билан бошланган мажлисда ташкилотни ривожлантириш ва кўп томонлама ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, бир қанча халқаро ва минтақавий

муаммолар юзасидан фикрлашиб олинди.

Учрашувда қўрилган масалалар орасида ШХТ фаолиятининг икки асосий йўналиши — хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик муаммолари музокараларнинг бош мавзуси бўлди. Учрашувда яна бир янгилик шуки, унда Афғонистон раҳбари Ҳамид Карзай ва Мўғулистон президентининг вакили, мамлакат ташқи ишлар вазири Лувангийн Эрдэнэчулуун иштирок этди. Мўғулистон томони саммитда кузатувчи сифатида қатнашган бўлса, Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Афғонистон муваққат маъмурияти раҳбари Ҳамид Карзай меҳмон сифатида иштирок этди.

Юқорида айтилганидек, саммит кун тартибиде хавфсизлик масаласига асосий эътибор қаратилди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Масалан, бундан бир неча ой бурун мамлакатимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари бу бало-қазога қарши курашда сусткашликка йўл қўйиб бўлмаганини кўрсатди. Бу борадаги ҳамкорлиқни мувофиқлаштириш, ахборот алмашини, чегара ва боқнона кўмиталарининг, махсус хизматларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари кўп жиҳатдан Тошкентда фаолиятини бошлаган минтақавий ақсилтеррор тузилмасининг нечоғли самарали иш юритишига боғлиқдир.

Тошкентда ўтказилган учрашувда Президентимиз Ислом Каримов Марказий Осиёда умумий бозор яратиш тақлифини яна бир бор илгари сурди. Бу мақсад

амалга ошадиган бўлса, бундан аъзо давлатлар фақат наф қўриши ҳеч қимга сир бўлмас керак. Шунингдек, ШХТ мамлакатлари ўртасида қитъалараро транспорт йўлакларини барпо этиш ҳақида ҳам фикрлашиб олинди. Бу эгзу мақсад ҳам ўзаро алоқаларни ривожлантириши, савдо-иқтисодий муносабатлар борасида кўшимча имкониятлар очилиши турган гап. Хитой раиси Ху Цзиньтао эса унинг мамлакатини ШХТ доирасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга 900 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит ажратилиши маълум қилди.

Юқорида таъкидланганидек, қисқа фурсат ичида ШХТ халқаро ташкилот сифатида шаклланди. Унинг кўмағида ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг янги имкониятлари очилмоқда.

Саммит якунида иштирокчи давлатлар раҳбарлари томонидан қатор муҳим ҳужжатларга, жумладан Тошкент декларациясига имзо чекилди. Учрашув якунига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида ҳам ташкилотнинг улкан нуфузи ва катта имкониятларига тўғри баҳо берилди. Жаҳон матбуотида ҳам ШХТнинг Тошкент саммити кенг ёритилди. Дунё аҳлига бу ҳақда тўла ахборот етказилди. ШХТ фаолиятида янги даврни бошлаб берган Тошкент саммити ташкилот тарихидаги энг муҳим учрашувлардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз.

Ақмал АСРОВ,
Республика Бош
прокуратурасининг бўлим
прокурори

REPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA

УМУМБАШАРИЙ МУАММО

Куні кеча Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида 26 июнь — халқаро наркоманияга қарши кураши бағишлаб Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош наркологи, профессор Улуғбек Алимов билан учрашув ўтказилди. Меҳмоннинг маърузага оид маърузасида умумбаширий муаммо ҳисобланиши наркомания юзасидан ўтказилган тадқиқот натижалари айтиб ўтилди.

Учрашувда фарзандларимизни бу иллатдан ҳимоя қилиш чораларини кўриш ҳақида мулоҳазалар билдирилди.

О.ХОЛИКОВ

АХБОРОТ

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МУҲОКАМАСИДА

Шу кунлар «Ўздонмаҳсулот» уюшмаси тизимини корхоналари учун айни иш қизган палла.

Утган ҳафтанинг шанба куні Андижон вилоятида қонунийлиқни таъминлаш ва инжончиликка қарши курашни ташкил этиш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг «Ўздонмаҳсулот» уюшмаси тизимини корхоналари иштирокида шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг 2003 йил ва жорий йилнинг 1-чоратида ҳўжалик судида қўрилиш амалиёти таҳлилига бағишланган йнгилиши бўлиб ўтди.

Унда бу тоифадаги низолар вилоят ҳўжалик судида ўз вақтида қўрилиб, асосли ҳал этилганлиги, улар юзасидан чиқарилган суд ҳужжатлари кечиктирilmay ижрога қаратилганлиги, шу билан бирга ўшар тизим корхоналари томонидан ҳўжалик шартномаларини тузишда ва бажаришда айрим хатокамчиликлар мавжудлиги таъкидланди.

Андижон вилоят ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2004 йил биринчи ярмига белгиланган иш режасига асосан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва унинг тизимларида ижтимоий муҳофазага муҳтож ҳамда ногирон болаларга кўрсатилмаётган тиббий ёрдам ахволи ўрганилди.

Теқшириш якунлари вилоят соғлиқни сақлаш тизимини ҳодимлари иштирокида мувофиқлаштирувчи кенгаш йнгилишида муҳокама қилинди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

И.ИБРОҲИМОВ,
«Нўқуқ» мухбири

СВОЖЖК ДЕПАРТАМЕНТИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент туман прокуратураси хузуридаги СВОЖЖК бўлими ходимлари ўтказган тезкор тадбирда тумандаги Фишткўприк аҳоли пунктида 8.565.350 сўмлик товарлар ноқонуний равишда, айланма йўллар орқали Қозоғистондан мамлакатимизга оlib ўтилаётганда ушланган. Далилий ашё сифатида «УАЗ» машинаси ва товарлар олиб қўйилган.

Тошкент шаҳар прокуратураси хузуридаги СВОЖЖК бошқармаси томонидан 2004 йил 1 январдан 31 майгача ўтказилган тадбирларда 151 та валютага оид ҳуқуқбузарлик аниқланди. Шундан 82 фуқарога нисбатан 50 та жиноят иши кўзгатилади. Ҳуқуқбузарлардан 166.581 АҚШ доллари, 28.551.400 сўм, 34.460 рубл, 20 евро, 423.300 қозоқ тенгеси олиб қўйилган.

2004 йил 2 июн кuni Андижон вилояти Хонобод шаҳрида яшовчи М.Сиддиқов, Е.Абдураулов ва А.Солиевлар Қирғизистонда ишлаб чиқарилган 360 шиша ароқни 228 минг сўмга сотаётган вақтда ушланган. Тадбир давомида харидорларга ароқ юклаб берилган Хонобод шаҳар С.Хўжаев кўчасидаги 8-уйдан яна 349.400 сўмлик маҳсулот ашёвий далил сифатида олинган.

Бекобод шаҳар прокуратураси хузуридаги СВОЖЖК бўлими ва ДСИ ходимлари ҳамкорликда ўтказган тадбирда фуқаро Л.Турдиева жами 1.560.000 сўмлик сиваретни айланма йўллар орқали Тожикистондан Ўзбекистонга сотиш учун олиб кирганини аниқланган. Сиваретлар далилий ашё сифатида олинган.

Сариосиё тумани прокуратураси хузуридаги СВОЖЖК бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текширишда Сариосиё пахта тозалаш заводи очик турдаги акциядорлик жамиятида 218 млн. сўмлик 995,4 тонна пахта хом ашёси қаммада борлиги аниқланди. Айна пайтада ушбу ҳолат бўйича АЖ бошқаруви раиси М.Дўсанов ва товаршунос М.Холмуродова нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

FAXRITLAR — FAXRIMIZ

УМР ДАФТАРИ

Монг ёришмоқда. Деразадан қушларнинг гуруҳлари шийтима бошлади. Дарахлар абржи қилга киргай пайла. Ҳадемай лобдаларда учж-учж небалар кўзга ташаниб қолади. Инсон ҳам...

Рўзиқул ака Орзиқулов очик дераза ёнида туриб ўтган умрини ўйларди. Ҳосил... Инсоннинг ҳосили нима? Болаларми? Ёки умр бўйи қилинган машаққатли меҳнатнинг самарасими? Балки хайрли ва савоб ишлардир.

Рўзиқул ака уфққа тикилиб қаради. Кўзлари толиқди. Эрталабки чойга тўпланаётган фарзандларнинг гап-сўзлари ва рафиқасининг нонуштага чорлаётганини ҳам унутди. Уфқда ёшгина бир йигит намоён бўлганди. Ёғнида одми оқ қўйлаб. Солларини шамол ўйнайди. Кўзларидан келажакка ишонч. Вужуди гайрат-шижоатга тўла. Шаҳарнинг кенг, равои кўчасидан мақсад сари дадил одимлаб бормоқда.

Самарқанд. Регистон майдони. Кўйлаб уллуғларнинг қадами теккан жой. Амир Темур, Навоий, Бобур... Бу улғу сиймолар ҳаммиша, ҳар қандай вазиятда адолат ва ҳақиқат рафиқасида турганлар. «Куч — адолатдир» деган гап ўтди йигитнинг хаёлидан. Ана шундай ўйлар билан Самарқанд савдо техникумига кириб борди.

Машгулотлар бошланди. Пул, товар, кириш-чиқим, ҳисоб-китоб...

Йигит 1964 йилда техникумни тавомлаб чиқди. Қадрдон кишлоғи Пўлотига қайтаркан ёлғизоёқ йўлни, дала четиди ёлғиз дарахтин, тепасидан емирилага бошлаган паҳса деворни кўриб юраги орзиқиб кетди. Ватан! Ҳаммаси ўзиники: кўча, майдонча, янтоқзор, шўр босган шугорлар. Улар қандай ҳолатда бўлмасин, ҳаммаси азиз, қадрдон, юракка яқин. Шоир айтганидек, Ватаннинг тутуни ҳам қадрли, ширин, хушбўй. Қанчадан-қанча хотиралар мўжасам унда. Болалик, ўсимлик, йигитлик хотиралари.

Рўзиқул ака олди очик оқ қўйлақда ҳамон дераза олдида турарди. Қаердандир тутун хиди келди. Кўшини ҳовлилардан бирди, афтидан, тандирда ўт ёқилмоқда. Рўзиқул аканинг кўз ўнгиди яна ўша йигит намоён бўлди. Қадрдон кишлоқ билан сўзсизгина хайрлашмоқда эди у.

— Йул бўлсин? — деди дўстлари-

FEL'ETON

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга. У.Маматқулова ана шу имкониятдан фойдаланиб, аёл боши билан фермер бўлишга аҳд қилди. Катъий саъй-ҳаракати тўғрйли ниятига етди ҳам. Қизирик туманида «Оқолтин» деҳқон ҳўжалигини ташкил этиб, 59,5 гектар ерни ўн йил муддатга ижарага олди. Унга турмуш ўртоғи ва ўғил-қизлари (опанинг ўн битта фарзанди бор) тиргак бўлиши.

Жамоа аста-секин оёққа туради. Режаларни ҳар йили ортиғи билан бажариб, энди меҳнатларининг роҳатини кўришаётганда бирдан бошларида қора булут айлана бошлайди. Туманнинг собиқ ҳокими М.Холбоев негандар теварак-атрофдаги кўйлаб мустақил жамоаларни, жумладан «Оқолтин» деҳқон ҳўжалигини ҳам тугатиш пайига тушади. Барйбир зўр зўр-да. У айтганини қилади.

Ҳокимнинг 2001 йил 13 ноябрдаги 509-қарори билан «Оқолтин» деҳқон ҳўжалиги тугатилиб, «Қорақасмоқ» фермер ҳўжалигига қўшиб юборилади. Туман статистика бўлимига ушбу ҳўжаликни давлат реестрдаги, солиқ инспекцияси ва банк бўлимига эса ўз ҳисобидан чиқариш топширилган.

Табийийки, У.Маматқулова бундан норози бўлиб, Сурхондарё вилоят ҳўжалик судига «Оқолтин» деҳқон ҳўжалигининг юридик мақомини тиклаш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилади.

«Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонунинг 28-моддаси ва «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 33-моддасида деҳқон, фермер ҳўжалиги фақат мазкур жамоа аъзоларининг қарорига ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноангина тугатилиши (фаолият тўхтатилиши) аниқ белгилаб қўйилган. Ҳеч бир амалдор, жумладан ҳокимга ҳам узабошимчилик билан бундай қарор чиқариш ҳуқуқи берилмаган.

Суд юқоридигиларни инобатга олиб, ҳоким қарорининг «Оқолтин» деҳқон ҳўжалигига тегишли қисмини ҳақиқий эмас деб топган.

Афсуски, ҳоким шундан кейин ҳам тўғри ҳулоса чиқармаган, отдан тўса-да, эгардан тушишни хоҳламаган. Яна наирабн курсатган, яъни 2002 йил 21 сентябрда қуйидаги мазмунда 445-қарорни чиқарган.

«Вилоят ҳўжалик судининг 2002 йил 10 майдаги ҳал қилув қарори билан туман ҳокимининг 2001 йил 13 ноябрдаги 509-қарорининг



дан бири қўл ушлашиб кўришаркан.

— Ўқишга.
— Қайсига?
— ТўшДУ, Юрфак.
— У-хў, гайратинг чакки эмас, лекин...
— Қарорим қатъий.
— Қачон бундай қарорга келдинг?
— Самарқандда — бухгалтерияда ўқиб юрганда.
— Нима учун?
— Адолат нима, ҳақиқат нима билмоқчиман.
— Ҳим... Бу кўп китоб ўқийшинг таъсири, — ҳулоса қилди дўсти, — майли, омадингни синаб кўр.

Йиллар ўтди. Тошкентда неча бор баҳор куз билан алмашинди. Ҳуқуқшунослик факультети. Сўнгги курс. Йигит қонунлар мажмуини сабот билан ўрганар, машгулотлардан кейин турли баҳс-мунозараларда иштирок этар, тортишувлар ётоқхонада ҳам тўхтамасди.

ҳа бор. Аввало айтиш керакки, ҳозирга қадар деҳқон ҳўжалиги аъзоларининг бу борадаги қарори ҳеч кимга тақдим этилмаган. Уни ҳеч ким кўрмаган. Башарти, ҳокимликда шундай ҳуж-

Сурхондарё. Термиз. Йигитнинг қалби янги ҳислар, янги режалар билан тўла. У дастлабки иш фаолиятини Сурхондарё вилоят прокуратурасида бошлади. Бир йил ўтиб Термиз шаҳар прокуратурасида терговчи бўлиб ишга жойлашди. Ундан кейин Қарши шаҳар прокурорининг ёрдамчиси лавозимда ишлади.

Тонг ёришмоқда. Рўзиқул ака ўзига яқинлашиб келаётган кишини кўрди. Бу ўша пўлотилик йигит эди. Аммо энди анча тўйилган, қадамлари вазмин, фикрчан, касбдошлари орасида Рўзиқул Орзиқулов бўлиб танилган эди. Умр дафтарини варақлади. Шундан сўнг 1975 йилдан 2003 йилгача Нишон, Қўдала, Муборак, Ғузур туманларидан прокурор, Қашқадарё вилоят прокурорининг ёрдамчиси, Қарши маҳсул прокуратураси терговчиси вазифаларида ишлади.

Қаерда, қайси лавозимда ишласин, ҳақиқат ва адолат учун курашди. Ҳаётда жуда оғир, мураккаб даврлар бўлди. Тўхматларга дуч келди. Адолатсизликни кўрди. Аммо тушкунликка тушмади. Ҳатто кувнок ва ҳазиллашгани ҳам сақлаб қолди.

Тонг ёрилиши келмоқда эди. Фарзандлари билан рафиқаси нонуштага ўтиришганди. Ҳосият опа болаларни билан чақчақлашаркан, аллақандай ташвишли нигоҳ билан очик дераза олдида ташқарини кузатаётган Рўзиқул акага қараб-қараб кўярди. «Нафақага қичиб ҳам тинчмайди» деган гап ўтди аёлнинг шууридан. Охишта ўрнидан туриб турмуш ўртоғини дастурдонга тақлим қилди.

Н.АРСЛОНОВ,
журналист

«Хусусан бугун қишлоқда асосий куч сифатида майдонга чиқаётган фермерлик ҳаракати йўлида Сурхондарё вилоятида ҳалғача турли ғов-тўсиқлар сақлашиб қолмоқда. Уларни бартараф этиш бўйича алаий чоралар қўрилмапти».

(Президент Ислам Қаримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенешининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан)

ҚОНУННИНГ ҲОКИМГА ДАҲЛИ ЙЎҚМИ?

ЁКИ ФЕРМЕР ЙЎЛИГА ҒОВ БЎЛАЁТГАНЛАР ҲАҚИДА

«Оқолтин» деҳқон ҳўжалигига тегишли қисми ҳақиқий эмас деб топилганлигини ҳисобга олиб, мазкур ҳал қилув қарорини ижро этиш мақсадига қарор қиламан:

1. Туман ҳокимининг 2001 йил 13 ноябрдаги 509-қарорининг «Оқолтин» деҳқон ҳўжалигига тегишли қисми бекор қилинсин.

2. Туман ҳокимининг 1999 йил 3 февралдаги 45-қарори «Қорақасмоқ» фермер ҳўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги — таъдик бизни-ки, Қ.Ж. қуйидаги 1-банд билан тугатилсин:

— тумандаги «Истара» ширкат ҳўжалиги 6-бўлимида фаолият кўрсатиб келган «Оқолтин», «Суюн-бобо», «С.Турпов», «Умид», «Хол-бобо», «Хўжакели», «Ғалаба», «Ишонч» деҳқон-фермер ҳўжаликлари ўз аъзоларининг розилиги, ҳўжалик бошлиқларининг берган тилхатлари ва бўлим фермер ҳўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига асосан ягона «Қорақасмоқ» фермер ҳўжалигига бири-лашганлари учун 1999 йил 3 февралдан бошлаб тугатилган деб ҳисоблансин».

— Собиқ ҳоким ҳўжалик бошлигининг тилхати ва деҳқон ҳўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига асосан деб қалбаки қарор чиқарган, — деб ёзади У.Маматқулова тахриридаги йўллаган ариза-сида. — Аслида мен ҳеч кимга тилхат берган эмасман. Бу масалада ҳўжалигимиз аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилмаган. Қарор ҳам қабул қилинмаган.

Очигини айтганда, ушбу қарорнинг ҳақиқийлиги бизда ҳам шуб-

жат-далиллар мавжуд бўлса, у ҳолда нега улар биринчи қарорга асос қилиб олинмаган? Ахир, бу муаммони ҳал этишининг ягона қонуний ва энг қулай йўли эди-ку?

Яна шуниси ажабланарлики, «Оқолтин» деҳқон ҳўжалиги 2001 йил 15 ноябрда расман юридик шахс сифатида мустақил фаолият кўрсатиб келган, бунинг устига ушбу қарорнинг 1-бандида юридик макомини тикланган бўлса, шунга қарамай уни қандай қилиб айлан мазкур қарорнинг 2-бандига асосан тагин 1999 йил 3 февралдан бошлаб тугатилган деб ҳисоблаш мумкин? Бу шунчаки кўзбўямачилик, «ўйин» эмасми?

Вилоят ҳўжалик судининг юқоридида қайд этилган ҳал қилув қарорининг 1-бандида юридик макомини тикланган бўлса, шунга қарамай уни қандай қилиб айлан мазкур қарорнинг 2-бандига асосан тагин 1999 йил 3 февралдан бошлаб тугатилган деб ҳисоблаш мумкин? Бу шунчаки кўзбўямачилик, «ўйин» эмасми?

Мазкур қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга кирган ва ижро этиш учун Сурхондарё вилоят ҳўжалик суди ҳамда Қизирик туман ҳокимиятига юборилган. Бирок туман ҳокими ҳамон 445-қарорни рўқач қилишдан нарига ўтмапти. Вилоят ҳўжалик суди мутасаддисиди ва суди ижрочилари ҳам ҳоким билан муроша қилиб келиш-шабтир.

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг 7 апрелида Қизирик тумани ҳокими В.Мавлоновга, суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини

моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг вилоят бўлими бошлиғи С.Асрооров, Қизирик туманидаги «Қорақасмоқ» фермер ҳўжалиги бошлиғи Н.Кўлтўраевга «Оқолтин» деҳқон ҳўжалигини тугатишда йўлқўйилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида тақдимнома йўлланган. Унда суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш, туман ҳокимининг 45- ва 445-қарорини бекор қилиб, «Оқолтин» деҳқон ҳўжалиги фаолиятини тиклаш, ернинг қайтариб бериш, ер ижараси тўғрисида шартнома тузиш, банкдаги ҳисоб рақамини очик бериш, етказилган моддий ва маънавий зарарини ихтиёрий равишда қоплаш талаб қилинган. Афсуски, туман ҳокими мазкур талабларни бажаришдан очикдан-очик бош тортган.

Туман прокурори томонидан ҳам ҳокимга 445-қарорни бекор қилиш ҳақида протест киритилган. Аммо бу талаб ҳам қаноатлантирилмаган.

Туман ҳокими ҳануз ўз гапини маъқуллаб, оёқ тираб турибди. Наҳтижада «Оқолтин» деҳқон ҳўжалигининг қонуний ҳақ-ўқуқи тикланмай қолмоқда. Наҳотки гайриқонуний бўлса-да, ҳокимнинг айтгани айтган, дегани-деган бўлса?

— Сарсон-саргардонлигимизга қанон чек қўйилади? Бизга ҳалол меҳнат қилиш учун шароит яратиб беришларини талаб қиламиз, яна тилагимиз шу, — дейишмоқда деҳқон ҳўжалиги аъзолари.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,
«Нуқуқ» муҳбири

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАЪСИРЧАН ВОСИТАСИ



Бундан ташқари, журналистларимиз прокуратура ва бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари билан бирга талабалар орасида, турли жамоаларда учрашувлар ўтказишапти. Уларда ҳуқуқ тарғиботи масалалари, ҳуқуқий наشرларга обуна бўлиш ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий онгини оширишда катта аҳамиятга эга эканлиги тушунтирилиб берилмоқда.

— *Дунё тез ўзгариб, тараққий этиб бормоқда.*

вий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонунлар қабул қилинган. Мен бундай шахсларни ҳуқуқий билими паст, халқдан узоқлашиб қолган, ўз ишини яхши билмайдиган кишилар деб биламан.

— *Яна бир савол. Бугунги журналистлар ҳуқуқий мавзуларда етарлича чиқишлар қилаяпти деб ҳисоблайсизми?*

— Ҳар бир вилоятда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳуқуқий наشري ташкил этилганлиги журналистларга катта имконият беради. Бундан фойдаланиб ҳуқуқий мавзуда яхшигина қалам тебратётган журналистлар йўқ эмас. Тўғри, уларга ҳам осон бўлаётгани йўқ. Улар ахборот олишда турли қийинчиликларга дуч келишади. Зарур жойда ишчи, хайдовчи, шифокор, ҳуқуқшунос, пах-

ЭНГ ФАОЛ МУАЛЛИФЛАРИМИЗ

1. Довуд МАЪДИЕВ, Қашқадарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.
2. Мухтарама УЛУҒОВА, Ўзбекистонда ҳижмат кўратган маданият ходими.
3. Муҳаммад ИСМОИЛ, Ўзбекистон.
4. Мухтор ШОДМОНОВ, Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи ўринбосари.
5. Исмаилло ЙЎЛДОШЕВ, ҳуқуқшунос.
6. Гулчехра РАЗЗОКОВА, Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖК департаменти матбуот гуруҳи катта инспектори.
7. Рустам ШАРИПОВ, ТДЮИ проректори.
8. Ислон ЖАСИМОВ, Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи.
9. Гулнора ҲАМРОЕВА, Жиззах вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.
10. Муҳлис МУХИДДИНОВА, талаба.
11. Соҳиба ҲАЙИТБЕКОВА, журналист.
12. Марғуба ОМОНОВА, журналист.
13. Гулрух ЁРМАТОВА, журналист.
14. Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА, журналист.
15. Рустам МУҲАМЕДОВ, прокуратура фехричиси.

...Оммавий ахборот воситалари мансабдорларининг тўрачилиги, коррупция, мустабиллик ва боқимандолик психологияси ўлида мустаҳкам гов бўлиб, қонунчилик меъёрларини рўйга чиқариш, ислохотларнинг бориши ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат қилишнинг таъсирчан воситаси бўлиб қолиши зарур.

Ислон КАРИМОВ

ҲАМКОРАНКАДАН МАМНУНИМIZ

Маълумки, шу кунларда республикамиздаги барча газета ва журналларга 2004 йилнинг 2-яри учун обуна нийосига етмоқда. Жумладан, «Qo'niq himoyasida» журнали ва «Ниқид» газетасига ҳам обуна ишлари юқори даражада ташкил этилди. Касб байрамимиз арафасида Жиззахдан яна бир хушxabар олдик. Эндилкида Жиззах туманида яна 200 та хонадонга «Ниқид» газетаси ва «Qo'niq himoyasida» журнали кириб борадиган бўлди. Тахририят обунани уюштиришга яқиндан ёрдам берган Жиззах тумани прокуратурасига миннатдорчилик ихроҳ этади.

БУГУНГИ МАТБУОТ СИЗНИ ҚОНИҚТИРАДИМИ?

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари Савит Иमतов билан суҳбат

— *Савит Бозарбоевич, суҳбатимиз бошида матбуот ва унинг жамиятимизда тутган ўрни ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.*

— Мамлакатда кечаётган ўзгаришларни, янгиликларни халққа етказиб беришда оммавий ахборот воситаларига катта масъулият юклатилади. Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларининг наشري бўлмиш «Адам ҳам нызам» («Инсон ва қонун») газетаси ҳам мустақиллик берган имконият туфайли ташкил этилган эди.

Газетанинг биринчи сони 1996 йилнинг 1 сентябр кунини чоп этилган. Дастлабки пайтда 5000 нусхада тарқалган бўлса, ҳозир унинг тиражи 17.000 нусхадан ошди. Газета ихлосмандларининг кўпайиб бориши ҳуқуқий наشرларимизга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганидан далолатдир. 2003 йил 7 ноябрдан бошлаб газета «Ғарезсизлик ҳам нызам» номи билан қорақалпоқ, ўзбек ва рус тилларида чоп этила бошлади. Унда Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва уларнинг амалга оширилиш жараёни, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг фаолияти кенг ёритиб борилаётгани нафақат соҳа ходимлари, балки жамоатчилиқнинг ҳам эътиборини қозонмоқда.

Фуқароларнинг ариза ва муурожаатлари доимо тахририятнинг эътиборида. Шу боис газета саҳифаларида «Савол-Ҷавоб», «Ҳуқуқий саводхонлик», «Юридик маслаҳатлар», «Прокуратура ёрдам берди» каби рунқлар ташкил этилган. Шунингдек, газета ходимларининг кучи билан ҳафтасига бир марта қорақалпоқ ва ўзбек тилларида республика телевидениеси орқали намойиш этилади «Адиллик айнаси» («Адолат кўзгиси») курсативи ва «Қалқон» эшитиши таёёрланапти.

Тахририят ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари, айниқса республика прокуратураси билан ижодий ҳамкорликда иш олиб боради. Кўплаб мақолаларнинг ҳаётлиги, кишини ўйга толдирувчи аниқ фактларга асосланганлиги мана шу ҳамкорлик самарасидир.

Тахририятнинг халқ билан алоқаси кундан-кунга яхшиланиб бормоқда. Тахририятга ўқувчилардан мактуб келмаган кун йўқ. Улар ўзларини қийнаётган муаммо ҳақида шикоят йўллайдилар, газетада чоп этилган мақолалар ҳақида мулоҳаза билдирадилар.

Сизнингча матбуотчилар, ҳусусан «Ғарезсизлик ҳам нызам» газетаси ходимлари замон билан ҳамқадам бўлишаяптими?

— Матбуотчилар олдида турган вазифаларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу албатта наشرларнинг сифатини яхшилаш, янада мазмунли қилиб чоп этишга боғлиқ. Шу мақсадда газета саҳифаларига янги рунқлар кириштириш, унинг безатилишини яхшилаш, долзарб масалаларни кўпроқ ёритиш, фуқароларнинг манфаатига эътиборни кўчатириш, улардан келиб тушган аризаларни ва бу бўйича кўрилган чораларнинг яқинини мунтазам ёритиб бориш лозим. Шундангина одамларнинг матбуотга ишончи ортади. Бу борада эса пойтахт ва барча вилоятлардаги ҳуқуқий наشرлар тахририятлари ўртасида ўзаро ҳамкорлиқни, тажриба алмашишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайман.

— *Савит Бозарбоевич, маълумки, журналистлар ахборот олишда базан тўққинчиликларга дуч келишади. Буни қандай ислоҳлаш мумкин?*

— Тўғри, баъзан шундай бўлади. Беш бармоқ баробар эмас. Баъзи раҳбарлар худди айби фож бўладигандай мухбирларни қабул қилмасликка ҳаракат қилишади. Шунинг учун ҳам юртимизда «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида», «Омма-



Озод Шарафиддинов: — Байрам муборак, устоз! Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

ЖУРНАЛИСТ БЎЛМОҚЧИМАН

Илгари мактабимизда ўқувчиларнинг орзиқиб кутадиган кишини почтачи эди. У деярли ҳар кунни бизга «Ғунча», «Гулхан», «Синфдош», «Тонг юлдузи», «Ёш куч» сингари газета-журналларни келтириб беради. Улардаги тенгдошларимизнинг ҳаёти, қувонч ва ташвишлари ҳақида ҳикоя қилувчи мақола, шеър ва ҳикоятларни ўқиб, завқланганимиз, кези келганда изтиробга тушганимиз. Аммо биз ўқийётган бу наشرларни шу ҳолатга келтиргунча қанча-қанча киши тер тўкишини ўйлаб кўрмаганимиз.

Бугун акам Ташкентдаги нуфузли тахририятлардан бирида журналист бўлиб ишлаши боис бу касбнинг сир ва қийинчиликларидан биров хабарим бор. Машаққатли меҳнатнинг нони ширин дейдилар. Мен ҳам акамга ўхшаб келажакда журналист бўлмоқчиман.

Мамлакатимиздаги барча матбуотчиларни яқинлашиб келаятган касб байрамлари билан самимий табриклайман.

Шаҳноза ҲАМИДОВА,
Жиззах вилояти

*Суьга ташладилар суьга гўкнади.
Ҳокас, муьтаахалликни
пойин қилмади.
Адолай — орақдан айрилган байроқ.
Асрлар қад буқди, у қад буқмади.
Исмаутулла ЙЎЛДОШЕВ,
ҳуқуқшунос*

КАСБИМ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Ҳар қайси касбнинг ўзига яраша машаққати бўлганидек, қалам аҳлининг фаолиятида ҳам игна билан кудук қазиганчалик заҳматли жараёнлар борки, буни гарданга олмасдан туриб мақсадга эришиши душвор.

Кечагидек эсимда, кишлоғимизда фақат бошланғич мактаб бўлгани учун кўшни кишлоқ мактабига қатнар эдик. Қишнинг лойли кунларидан бирида ҳўхалик раисининг машинаси кўчада ботиб қолибди. Кўмакка отланган эдик кийим-бошимизнинг балчиқка белангани қолди. Раис кўчаларнинг ахволини энди билиб олгандир деган ўйда ушбу воқеани мақола қилиб, туман газетасига жўнатдим. Буни қарангки, ўшига боланнинг фикри инобатга олиниб, «Йўловчиларга эътибор шуми?» деган мақоламиз сабаб кўчаларга шағал тўкила бошладим. Шундан кейин «Йўқолган автобус», «Ҳаммом қачон очилади?», «Шийонининг арз-додлари» каби халқ хоҳиши битилган мақолалар чоп этилган, улар билан боғлиқ муаммолар ҳам ечим топа бошлади. Халққа озгина нафим тегаётганини англаб, касбини тўғри маънода эъзозлай бошлаганман.

Узи каби ёшлиқнинг орзулари ҳам гўр бўлар экан. Кейинчалик китоб, мўйқалам, чолгу созларига берилиб, қаламдан биров чалгиган пайларим ҳам бўлди. Лекин бундай дамлар узоққа чўзилмасди. Кўз олдимда юз бераётган, кўпчиликка ташвиш туғдираётган ҳақсизликлар сабаб бўлиб яна ёза бошладим. Орадан кўп йиллар ўтди. Гулдех ҳунарим — дўхтирликни ташлаб, мухбир бўлиб юрганимдан асло афсус чекмаганман.

Шеърли гулдасталаримни жамлаб ўтириб, кўнглимда бир истак туғилганди. Шу ният ва интилиш туфайли таниқли баҳши Ислон шоир Назар ўғлининг 120 йиллик тўйи арафасида «Улмас садолар» балладаси юзага келди. Бора-бора ҳикоя, очерк, қиссалар ҳам ёзиш насиб этганидан тоабат миннатдорман.

Барча ижодкор ва журналист дўстларимга оилавий бахт, ижодий камолот тилаб қоламан.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси аъзоси

Фарзанд комил инсон бўлиб улғайиши учун унинг тарбиясини қачондан бошлаш кераклиги ҳақида гап кетганда донишмандларнинг: «Бу ишни бола дунёга келган лаҳзаданок бошлаш зарур», — деган ўғитини албатта эслашимиз.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари устувор бўлган жамият қурмоқчи эканмиз, ўз ўзини савол туғилади: келажақда ана шу жамиятнинг эгаси, фаол иштирокчиси бўлган ёш авлод — болаларнинг ҳуқуқий таълим-тарбиясини қачондан бошлаш, уни* англаш туйғусини, эҳтиёжини қандай шакллантириш керак?

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ — ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Оилавий бахтда ҳикмат кўп. Бахтиёр оила энг биринчи ва энг кучли тарбия ўчоги, демак, ёшларимизнинг толеи, эртанги саодатли кишилар жамиятимизнинг пойдеворидир.

Абдулла ҚАҲХОР

Хар бир замон ва маконда келажагини ўйлайдиган давлат аҳолини хар томонлама ижтимоий ҳимоялаш билан бирга болалар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шунинг эътиборга олиб ҳуқуқимиз ёшларни соғлом ва баркамол қилиб ўстириш учун имконият яратиб бермоқда. Бир қараганда ҳаммаси аълодек кўринади, лекин афсуски, жамиятимизда ҳозир хар вояга етмаганлар жиноят содир этишяпти. Бу исталган жамиятда учрайдиган ҳол. Бизнинг вазиғамиз иложи борича буни камайитиришдир.

Ўзбекистон қонунчилиғига кўра вояга етмаган шахс деганда 18 ёшга тўлмаган ёшлар тушунилади. Фуқаролик ҳуқуқида эманиация қилинган шахслар, яъни 18 ёшга тўлмай туриб тўлиқ муомала лаёқатига эга деб эълон қилинган кишилар вояга етган ҳисобланади. Вояга етмаган шахслар ҳали ижтимоий муносабатларни тўлиқ англай олмагани туғайли жиноят қонунчилиғида уларга 18 ёшга тўлган шахсларга нисбатан анча енгил жазолар тайинлаш кўзда тутилган.

Вояга етмаганлар содир этган жиноятлар юзасидан тергов олиб бориш ва ишни судда кўриш анча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Чунки вояга етмаганлар ишлари кўрилаётган процессга кўпроқ иштирокчи жалб қилинади, тергов боққичи ҳам шу туғайли узоққа чўзилади. Иккинчидан, бола психологик травма олиши, натижада тенгдошларидан ақлий ривожланиш бўйича орқада қолиб кетиши мумкин. Муаммони яхшироқ тасаввур қилиш учун айрим статистик маълумотларга мурожаат қиламиз.

Россияда 1998 йилда 1.837.910 та жиноят содир этилган, шундан

БОЛАЛАР ЖИНОЯТ КЎЧАСИГА КИРМАСЛИГИ УЧУН...

189.293 таси, яъни 10,3 фоизи вояга етмаганларга тегишли.

Беларусда жиноятчилик статистикасини таҳлил қилиш шунинг кўрсатадики, вояга етмаган шахсларнинг мулкка қарши қаратилган жиноятлари сони 1981 йилдан 1993 йилгача ортиб борган. 1981 йилда 64,8 фоизи, 1993 йилда эса 81,2 фоизи ташкил қилган.

Ўзбекистонда вояга етмаганлар содир этган жиноятлар жами жиноятларнинг 4 фоизини ташкил этади.

Мазкур жиноятлар ичида ўғирлик кўп учрайди. Яна одам ўлдириш, соғлиқка шикаст етказиш, зўрлаш, боққинчилик, талончилик, фирибгарлик каби жиноятлар кўп тарқалган.

Чунки аксарият ҳолларда оиласиз, ота-онасиз ёки улардан бири бўлмаган болалар тўқис оилада тарбияланган болаларга қараганда кўпроқ рецедив жиноятга кўл уришяпти.

Шунинг айтиш керакики, вояга етмаган жиноятчиларнинг оиласида хар доим жанжал бўлиб туриши, ота-онанинг пиёнисталиги ва болалар устидан умуман назорат олиб бормаслиги аниқланган.

Болалар ва ўсмирларнинг жиноят кўчасига қиришига ота-онанинг лоқайдлиги ёки уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши, турмуш шароитининг оғирлиги, вояга етмаганларнинг тарбиясини бузадиган турли кино ва рекламаларнинг намоиш этилиши каби омиллар сабаб бўлади. Бундан ташқари болалар тарбиясига ота-она ва мактаб маъмуриятининг эътиборсизлиги билан қарши ҳам асосий сабаблардан биридир.

Муаммо кўтарилгандан сўнг унинг ечими ҳақида ҳам ўйлаб кўриш лозим. Бу муаммони ечишда ёрдам берадиган омилларни тақлиф қилмоқчимиз.

Авалло, вояга етмаганлар устидан шартли ҳукм чиқарилгандан судьялар хар доим уларга маълум бир мажбуриятларни юклаши лозим. Қолаверса, шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назоратни осонлаштириш мақсадида уларнинг ҳулқи, қилмишининг ҳусусиятини ҳисобга олган ҳолда қўшимча мажбурият юклаш керак. Масалан, маълум бир жойларга бормаслиқ каби.

Иккинчидан, ўсмирларни болалар колониясига эмас, мажбурий ишларга жалб қилиш лозим, яъни уларни жамиятдан ажратмай, жиноятчилар тўдасига қўшмаган ҳолда тарбиялаш керак. Чунки озодликдан маҳрум қилиш муассасасида бўлган инсоннинг оддий ҳаётга қайтиши, бир маромда турмуш кечирishi жузда қийин кецади.

Болалар тарбиясига жамоатчиликнинг ўрни беқийёслигини эътиборга олиб турли ҳашар ва мусобақалар ўтказиш орқали уларга маҳалланинг таъсирини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Жамшид ўРИНОВ,
Шаҳобиддин ШАРОФИДИНОВ,
ТДЮИ талабалари

БОЛА ҲУҚУҚИ — БОШИДАН

Айримлар учун бу савол жуда оддий ва менинг: «Инсон зурриёди ҳали дунёга келмасидан аввал — она қорнидалик пайтиданок ўзига нисбатан бўлган хар қандай жисмоний ва маънавий зуғумни, ғайриқонуний ҳолатни руҳан англаб, бунга ўз имконияти даражасида қаршилик кўрсатаркан», — дейишим уларга ғайритабиий туюлиши мумкин. Энг ачинарли ҳол шуки, ҳомилалик пайти ва гўдақлик йилларида болаларнинг жисмоний, руҳий қуч-қуввати билан катталарнинг имконият, иродасини солиштириб бўлармиди? Ана шу нотенглик оқибатида катталарнинг болалар ҳуқуқини баъзан билиб-билмай, гоҳо шафқатсизларча поймол қилиши уларнинг бутун ҳаётига салбий таъсир этиши мумкин.

Олимлар шундай ҳолатни кузатишган: ҳомилдор аёл хурсанд бўлиб кулганидан бир неча сония ўтган унинг қорнидаги бола ҳам ҳаракат қила бошлаган ёки чекувчи ҳомилдор аёл навбатдаги сигаретни чексамми-чексамсими деб ўйлаб бошлаши билан боласининг юраги тез-тез ураркан.

Гўдақ, она қорнида ўзининг дунёга келишини ширин орзулар билан кутишяётганини ҳис қилса ота-онанинг ёнида бўлиш, уларга гаумўрлик қилиш туйғуси билан тугайларкан. Кашанда аёлларнинг фарзандлари чекмайдиغان оналарнинг болаларига нисбатан вазни кам, диққати суст, интеллектуал даражаси паст бўлиши кузатишган.

Белгиялик психолог Беа фон ден Берг Брюсселда ҳомилдорлик вақтида қаттиқ кўркан 70 нафар аёл билан тадқиқот ўтказганда маълум бўлдики, ҳомилдорларнинг юраги тез-тез уриб, кўп беэзова бўларкан. Она қорнидаги кўрқув дунёга келганларидан сўнг ҳам таъсирини кўрсатиб, болаларнинг ҳулқида, қобилиятида намоён бўлган. Эмбрионлик пайтида кўрқувдан азият чекиш, айниқса, ўғил болаларнинг ҳулқ-атвориға таъсир қиладики, диққатини йиғолмай, хардамхаёлликка мойил бўладилар. Бу ҳол ўша болалар 9 ёшга кирганди уларнинг оналарини буткул танимаган ўқитувчилар томонидан ҳам тасдиқланган.

Олимлар оилавий нотинчлик шароитида дунёга келган фарзандларда кейинчалик ўз-ўзига ишонсизлик, журыятсизлик, қатъийиятсизликни кузатишган. Ҳатто, бола она қорнида бўлган пайтда ота онага нисбатан кўпол муомала қилса, кейинчалик дунёга келгандан сўнг ўғил ёки қизининг отасидан кўрқishi, унга меҳрсизлиги ҳаётий кузатишларда исботланган.

Замонавий фандаги кейинги 20-30 йиллик тадқиқотларнинг ҳулосаси бўлган бундай мисолларни

яна кўплаб келтириш мумкин. Аслида, жиддий мулоҳаза юритадиган бўлсак, бизнинг аждодларимиз учун бу ҳулосалар янгиллик эмас.

Ҳомилдор аёлга хар қандай шароитда яши, мулоийи муносабатда бўлиш, унинг истакларини имкон қадар рўёбга чиқариш, аёлни қўриқмаслик, хар хил касалликлару яхши-ёмон назарлардан асраш шартлигини момоларимиз ёшларга ўқитиб, ўғитларига ўзлари амал қилиб келишимиз. Ҳомилдор аёлга фақат ҳалол лўқма едириш — фарзанднинг ҳалолу пок инсон бўлишига асос; ҳомилдор аёлнинг яши нарсалар ҳақида ўйлаши, чиройли муҳитда яшаши боласининг ақли расо, ҳулқи гўзал, асаблари бақувват бўлишининг асоси деб таъкидлаганлар...

Кимлардир боланинг ҳуқуқий тарбияси қаёқда-ю, бу гаплар қаёқда, уларнинг бир-бирига нима алоқаси бор деб ўйлаши мумкин.

Ҳаётда ҳеч нарса, айниқса, инсон руҳиятидаги ҳеч бир ҳолат ўзича, бошқа вояё-ҳодисалардан ярича-юз бермайди. Айтайлик, гўдакка олма нималигини англамоқ, онгда шу ҳақда тасаввур ўйготмоқ учун, аввало, унинг қўлига олма бериш шарт. Яна шунинг унутмаслик керакики, биз ҳали кичкина деб ўйлаб-қўлиб ўғил-қизларимиз тасаввуримиздагидан бир неча баробар кўпроқ зийрак, теран ва нозик ҳис этиш, англаш қобилиятига эга.

Ён дафтарчамага 1996 йили мана бу ҳолатни қайд этиб қўйган эканман: Шаҳрибону ишонини ҳўллаб қўйди. Мен уни уришдим, уришдим... Шаҳрибону индамай турди-да, кейин дераза тоқчасига терилган ўйинчоқларга хаёлчан тикилганча:

— Уйинчоқлар бир-бирини уришмайди, — деб шивирлади.

— Уйинчоқлар ишонини ҳўллаб қўймайди, — дедим баттар овозимни кўтариб.

— Уйинчоқлар ҳадеб боласини ташлаб магазинга, бозорга кетавермайди, — деди Шаҳрибону менинг гапим тугар-туғамас, лекин сокин оҳангда.

Ушанда қизим икки яшар эди. Демак, у икки бир туйғу билан ўзининг қалб эҳтиёжидан келиб чиқадиган ҳақ-ҳуқуқларининг бузилаётганини ҳис қилган, англаган. Иштиёр ўзида бўлса, доимо онаси билан юриш, туришни истайди. Лекин бизнинг доимий асабийлигимиз, шошиб юришимиз, режаларимиз олдида боланинг истакларини деярли аҳамиятсиз деб билишимиз, мурғак қалбга эътиборсизлигимиз унинг ўз ҳуқуқларини талаб қилишига имкон бермайди. Кўп ҳолларда катталарнинг болаларга ёши, ташвишлари, мавқеи нуқтаи назаридан туриб ҳуқуқронлик қилиши, баҳо бериши фарзандларнинг ўз маънавий оламига сўзсиз бикиниб олишларига сабаб бўлади.

Қайси ота-она фарзандининг ўз ҳақ-ҳуқуқини англаган, ҳаётда бу бебаҳо неъматдан тўлиқ ва тўғри фойдаланиб яшайдиган инсон бўлишини хохламайди? Оғзидаги ошини, ишлаб топган ҳалол ризқини, мартабасини олғирларга бой бериб, кейин нолиб, афсус-надамот билан ўтадиган ўғил-қизлар ортида қолишини ким истайди? Ҳеч ким!

Лекин истак рўёбга чиқishi учун шунга яраша онгли ҳаракат, интилиш бўйдаланиб кераклигини унутмаслик шарт. Масаланинг муаммоси ҳам, ечими ҳам мана шунда.

БМТ Бош асамблеяси томонидан 1989 йилда қабул қилинган ва Ўзбекистон ҳуқуқмати 1992 йилда тан олган «Болалар ҳуқуқлари конвенцияси»да мана бундай гаплар бор:

— фаровонлигинг учун зарур ҳисобланган ҳимоя ва гамхўрлик билан таъминланиш ҳуқуқига эгасан;

— ўз қарашларинг, фикрингнинг эркин ифодалаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эгасан;

— ота-она ёки хар қандай шахс томонидан ҳақоратланиш, қўпол муомалада бўлишдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгасан;

— яшаш ва соғлом ривожланиш ҳуқуқига эгасан;

— қийноқлар ва бошқа шафқатсизларча жазаго дучор этилмаслик ҳуқуқига эгасан...

Болаларининг шу каби қатор ҳақ-ҳуқуқларини англаш, тан олиш ва таъминлашни зурриёдимиз ҳали она қорнида эканлигиданок бошласак, дунёга келганидан сўнг бу тамойилни давом эттирсак, унинг етук шахс бўлиб шаклланиш жараёни изчил, маромида кецади.

Ҳаёти шарафу обрў, бағрибутунлик билан ўтади. Ота-онанинг энг эзгу тилаги мана шу эмасми?

Мухтарма УЛУФ,

Ўзбекистонда ҳизмат

қўрсатган маданият олим



Савоб ишни хар ким хар кун қилиши керак дейдилар. Халқимизга хос бу хусусият Қўнғирот тумани прокуратураси ҳодимларига ҳам беғона эмас.

Суратда: туман прокурори Елмурот Абатов ўй шароитида таҳсил олаётган 4-синф ўқувчиси Алмағул Кубеевага совға топширмоқда.

PROKURATURA YORDAM BERDI

Ушбу мақолани бежизга қонундан олинган иборалар билан бошлаганим йўқ. Зеро, юртбошимиз ҳам Олий Мажлисининг иккинчи қақирик олтинчи сессиясида сўзлаган маърузасида прокуратура фаолиятини баҳолаётган экан, унинг асосий вазифаси халқнинг устидан назорат қилиш эмас, аксинча унга хизмат қилиш эканлигини таъкидлаб ўтган эди. Сир эмас, айрим фуқаролар ханузгача прокуратура идораларига ўзгача кўз билан қарайдилар. Баъзан эса «Ха энди, муассисларнинг прокуратура бўлгандан кейин уни фақат мактаб ёзасизлар. Газета-ю журналларингда фуқаролардан келган миннатдорчилик мактубларини чоп этасизлар. Ким билсин, балки бу хатлар уюштирилгандир?» дея пичинг қилаётганлар ҳам учраб туради.

Очиги, гохи бундайларга тушунтираман деб чарчаб ҳам кетасиз. Яқинда ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа содир бўлдики, шояд шу воқеа сабаб юқоридагига ўхшаш фикрлар билан юрганларнинг прокуратура ҳақидаги тасавури ўзгарса!

зида амалга ошириш мумкинлиги ҳақида хулоса беришарди. Табиийки, бу ўз-ўзидан бўлавермайди. Аввало, Москвага бориш учун маблағ керак. Қолаверса, оғир аҳволдаги беморга кимдир ҳамроҳлик қилиши зарур. Ҳамроҳлик қилувчи ҳам текинга бориб келолмайди-ку! Бундан ташқари у ерда яшаш, операция ҳаражатлари... Хуллас, шуларни ҳисобга

роғи, ўтган иш бўлиб ўтди. Ҳозир ўша пайтларда қанчалар қўйналганларимни гапириб бериб, дийдиё қилмоқчи эмасман. Битай деб турган ярамни янгилашнинг кераги ҳам йўқ. У кунлар ўтиб кетди. Бугунга келиб барибир адолат борлигига, дунёда яхши одамлар қаҳат эмаслигига яна бир бор иймон келтирдим. Мен учрашган охиригидора Республика Бош прокуратураси бўлди. Фақат шу ердагина меннинг аҳолиимни тўғри тушунишди. Ҳуқуқимни тиклашга ёрдам беришди. Энди сизларнинг хузурингизга келишимдан асосий мақсад, Республика Бош прокуратурасининг раҳбариятига, бўлим бошлиғи Исрол Жасимовага, бўлим катта-прокурори Махмуда Саидова-ларга менга кўрсатган ёрдамлари учун миннатдорчилик билди-рмоқчи эдим. Балки шундай

«НУҚУҚ» ИЙ
маслаҳатхона

E-mail: Info@huquq.uz 133-26-62, 133-98-82

QANDAY HAL QILSA BO'LADI?

Мен шу йилнинг апрел ойидан буён шифохонанинг кадрлар бўлимида ишлаб келаман. Ҳали тажрибам унчалик кўп бўлмагани сабабли айрим масалаларда қийналиб қолаётман. Масалан, яқинда бир ходимимиз бошқа давлатга кўчиб кетиши муносабати билан меҳнат шартномасини мuddат тугамай туриб бекор қилишни сўради. Лекин қонун бўйича у бу йил ҳисобидан меҳнат таътилига чиқмаган. Шунинг учун бу масалани қандай ҳал қилса бўлади?

Sh. RAUPOVA,
Toshkent shahri Sobir Rahimov tumani

Бундай ҳолларда Меҳнат кодексидан назарда тутилган икки хил ҳолатдан бирини қўллаш мумкин. Яъни, биринчиси — меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик ва қўшимча таътиллари учун пулли компенсация тўлаш. Иккинчиси — агар жамоа шартномаси ёки ходим ва иш берувчи

ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимнинг хоҳишига кўра йиллик асосий ва қўшимча таътиллари бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш мумкин. Бундай ҳолларда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

АРМОНДА КЕТИБ ҚОЛМАЙИН!

Прокурор фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминла-ниши ҳисобланади.
 (Прокуратура тўғрисидаги Қонундан)

инсонлар борлиги учун ҳам дунё тургандир. Илоҳи бўлса газеталарингиз орқали юқорида номлари зикр этилган инсонларга меннинг дил изҳорини етказсангиз... Меҳмонни кузатарканман, унинг хайрлашув олдидан айтган бир гапи менга бошқача таъсир қилди. — Насиб қилса, яқинда иккинчи марта операция

қилдириш учун Москвага жўнаб кетаман. Эшитишимга қараганда буниси биринчисига қараганда мураккаброк эмас. Олдингисидан амаллаб чиққан эдим. Бунисига худо пошшо... Ҳали эсон-омон чиқаманми, йўқми? Майли, ҳар нима бўлганда ҳам кўнглимда армон қолишини хохламайман. Уларнинг менга қилган яхшиликларини, билмадим, бошқа яна қандай тайаришим мумкин... Кўп гапириб бошингизни оғритиб юборма-олингман, ишқилиб? Ишонсангиз, шунча йил қўйналганим ҳам бир бўлди-ю, Бош прокуратуранинг кўмаги ҳам бир бўлди. Ўша пайтларда сиқила-сиқила асабий бўлиб қолган эдим. Ҳозир бўлса, масала ҳали юз фоиз ечимини топмаган бўлса-да (Бош прокурордек инсонлар қалқон бўлиб туришган экан, насиб қилса қолгани ҳам тез орада ҳал бўлишига ишонаман), худди ҳал бўлгандек кўнглим равшан...

қилдириш учун Москвага жўнаб кетаман. Эшитишимга қараганда буниси биринчисига қараганда мураккаброк эмас. Олдингисидан амаллаб чиққан эдим. Бунисига худо пошшо... Ҳали эсон-омон чиқаманми, йўқми? Майли, ҳар нима бўлганда ҳам кўнглимда армон қолишини хохламайман. Уларнинг менга қилган яхшиликларини, билмадим, бошқа яна қандай тайаришим мумкин... Кўп гапириб бошингизни оғритиб юборма-олингман, ишқилиб? Ишонсангиз, шунча йил қўйналганим ҳам бир бўлди-ю, Бош прокуратуранинг кўмаги ҳам бир бўлди. Ўша пайтларда сиқила-сиқила асабий бўлиб қолган эдим. Ҳозир бўлса, масала ҳали юз фоиз ечимини топмаган бўлса-да (Бош прокурордек инсонлар қалқон бўлиб туришган экан, насиб қилса қолгани ҳам тез орада ҳал бўлишига ишонаман), худди ҳал бўлгандек кўнглим равшан...

Ташкентга қайтиб келган Жигалов яна корхонага мурожаат қилишга мажбур бўлади. Бу сафар рад жавобини олади. Шундан сўнг унинг югур-югури бошланади.

Салкам бир йилга яқин тўшакка михланиб ётиб, эндигина оёққа турган одамнинг аҳолини тасаввур қилиб кўринг-а!

Ташкентга қайтиб келган Жигалов яна корхонага мурожаат қилишга мажбур бўлади. Бу сафар рад жавобини олади. Шундан сўнг унинг югур-югури бошланади.

Салкам бир йилга яқин тўшакка михланиб ётиб, эндигина оёққа турган одамнинг аҳолини тасаввур қилиб кўринг-а!

— Шу ўтган беш-олти йил ичида мен ёрдам сўраб борманган ташкилот қолмади ҳисоб. Турли газеталарга ёзган шикоятларим судма-суд қатнаганларимни айтайдисизми? Бир идора менга ён босса, бошқаси қарши бўлади дегн. Ўлганинг устига телган деганларидек, бу орада мен ишлаган корхона банкрот деб эълон қилинди. Масала янада чигаллашди. Шу даражада чигаллашдики, ўзимни идора қилломай қолаётдим.

Шу гапларни айтarkan Жигалов жим бўлиб қолди. Бироз туриб гапига давом этди: — Ха, майли, ўтган ишга саловат деган гап бор. Тўғри-

ХОТИМА ЎРНИДА:
 Жигалов келиб-кетганидан бери беш-ўн кун ўтса-да, унинг миннатдорчилигини қандай ёритишни билмай юрган эдим. Яқинда бир таншимни учратиб қолдим. Ҳар нарсага шубҳа билан қарайди. Шу жумладан бизнинг фаолиятимиздан ҳам негати ҳолатларни топишга уринади. Мақоланинг бошида айлан бўлмаса-да, шунга ўхшаш фикрлайдиганлар ҳақида гапириб ўтган эдим. Ҳозир ўйлаб кўрсам, ушбу воқеа уларнинг гапларига яхшигина жавоб бўлар экан.

Ғафуржон АЛИМОВ,
«Нуқуқ» муҳбири

Тахририятга кунига ўнлаб кўнгириклар бўлади. Афсуски, уларнинг орасида шикоят билан боғлиқлари ҳам учраб туради. Ўша кун ҳам хонадаги телефон жиринглаб, гўшакнинг у томонидан «Тахририятми? Жуда яхши! Аввало ўзимни таништирсам: Жигалов Борис Александрович бўламан, иккинчи гуруҳ ногирониман. Лисунова мавзесидан кўнгирик қилаяпман» дея дўриллаган овоз эшитилганда, тўғриси, навбатдаги шикоятчи бўлса керак деб ўйловдим. Шу боис нима шикоятингиз бор дея сўраб юборишимга сал қолди. — Сизлар билан учрашишнинг илоҳи борми? Тахририятчилар қаерда жойлашган? — гапига давом этди кўнгирик қилувчи.

Айтдим. Сўнг нима масалалар кўнгирик қилаётганини сўрадим. Маълум бўлишича, у киши ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда унга берилган кўмак учун Республика Бош прокуратурасига миннатдорчилик билдиришга келган. У кишининг ногиронлигини ҳисобга олиб ўзим уйига бормоқчи бўлдим. Жигалов манзилни тушунтирди. Икки-уч кун ичида боришим ваъда қилиб гўшакни қўйдим. Индинига бўлса керак, ҳаммаслардан кимдир мени телефонга сўрашаётганини айтиб қолди. Гўшакни кўтарсам, Жигалов экан. Бояқши меннинг боришимни ҳам кутмасдан, сабри чидамай ўзи идорамизга келибди. Олдига чиқдим. Қўлтиқтаёққа суюнган киши кутиб олди. Зўрға қадам босса-да, умри меҳнат билан ўтганлиги чайир кўлларидан шундоқки-на кўриниб турибди. Хонага таклиф қилдим. Анча сўхбатлашдик.

У киши 6-разрядли электр пайвандчи бўлиб, 35 йиллик меҳнат стажига эга экан. 1997 йилнинг баҳор ойларига қайси-дир объектда ишлаётганда, фалокат-да, оёғи тийиб, йиқилибди. Шунда умуртқаси қаттиқ лат еган экан. Воқеа иш пайтида юз берганлиги учун дарҳол акт тузилади. Бемор касалхонага ётқизилади. Жигаловни текшириб қўрган врачлар жараҳат оғир эканлиги, Ташкентда ҳозирча бундай операция қилиб бўлмаслигини, уни фақатгина Москвадаги Россия Фанлар академиясига қарашли нейрохирургия илмий-текшириш маркази

AGAR AVTOMASHINA YO'QOLIB QOLSA...

Мен бундан икки йил олдин бир таншимга машинасини пулли асти-секин тўлаш шарт билан берган эдим. У бир йилча фойдаланишдан сўнг машина бирдангача йўқ бўлиб қолди. Сабабини сўрасам, уриб олган эдим, ҳозир устайда деб алаб юрибди. Уни қайтариб олиш учун қандай қонуний ҳаракат қилишим керак?

L. PARPIYEV,
Buloqboishi tumani

Бунинг учун судга мурожаат этиш лозим. Лекин судга мурожаат этиш ва масалани ижобий ҳал қилиш учун талаб:
 1) нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлиши;
 2) жавобгар томонидан тан олинган бўлиши лозим.

Ана шу талаблар бажарилган тақдирда, суд кўчар мол-мулкни ундириш тўғрисида буйруқ чиқаради. Суднинг бундай буйруғи ижро ҳужжати кучига эга бўлиб, у суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

NOMINI AYTING

Мен мактабда қоровул бўлиб ишлайман. Қўлимда оз-оз хуна-рим борлиги сабабли оилада ўзаро маслаҳатлашиб бирор-бир кичик-роқ ишлаб чиқариш цехини ташкил этмоқчимиз. Лекин ўзимизча бошлаганимиз бўлган ишimizни кичик деб номлашмай-ю, аммо кичик тадбиркорлик деганда кимлар ва қандай тоифадаги ишлаб чиқариш қаршини билмай турибмиз. Шу масалани ёрдам берсангизлар.

Said ODILOV,
Chust shahri

Кичик тадбиркорлик субъектларига: яқна тартибдаги тадбиркорлар, ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши бўлган, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоғида банд бўлган ходимларнинг йиллик ўртача сони ўн кишини ташкил этадиган, улгуржи, чакана савдо ҳамда умумий оёқталаниш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар қиради.

IMTIYOZ BIR XIL EMASMI?

Мен шаҳар шифохонасининг қон қўйиш бўлимида 2003 йилнинг август ойидан буён ишлаб келаман. Бир таншим ҳам менга ўхшаб шаҳардаги бошқа қон қўйиш станциясида ишлайди. Унинг айтишича, улар олаётган маошга даромад солиғи солинмас экан. Аммо бизнинг шифохонада солиқ олишади. Бунинг сабаби нимада? Бир тоифадаги ходимларга имтиёз бир хилда татбиқ этилмайди?

I. SHAPALOVA,
Toshkent shahri Chilonzor tumani 19-daha

Амалдаги Солиқ кодексининг 58-моддаси «е» бандида белгиланган қоидага мувофиқ, қон топириш бўлимида меҳнат қилаётган ходимларнинг маошга даромад со-

TOVON PULI

Турмуш ўрнатган 2003 йилнинг 13 декабр кўни ишда жараҳатланган ўша ерда вафот этди. Саволим шундайки, фуқаро ўз меҳнат вазифасини бажарётган вақтда техника хавфсизлигини йўқлиги сабабли вафот этса, унинг оила аъзоларига корхона томонидан қандай моддий ёрдам берилиши керак?

X. ASHIROVA,
Yangyoy'l tumani Gulbator qo'rg'on

Меҳнат кодексининг 193-моддаси талабига кўра, ходим меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазифасини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғига шикаст етиши сабабли вафот этган ҳолларда иш берувчи марҳумнинг қарамонида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга зарарни тўлаб бериши шарт.

Бундай тоифадаги шахсларга қарамонида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахслар, шунингдек, ўн олти

QALTIS YO'L



ҚИМОРДАГИ КОТИЛЛИК

Қимор оламида «Петка» лақаби билан ном чиқарган Мухаммадмин ўтган йил август ойининг бошларида уйдан чиқиб кетганича қайтмади. У «гард-кам» деса, ўзини томдан ташлар, ўйин устида отасини ҳам танимас, «гастролга чиқиб кетиб, ҳафталаб уйига бормасди. Оқибатда оиласи бузилди, хотини ота-онасиникига бош олиб кетди. Қимор қаршида Петкага оиланинг сариқ чақалик қиймати йўқ эди. Ҳеч қаерда ишламас, қимор орқасидан баъзан ютқазиб, баъзан лақма рақибларини чув тушириб, толган пулига машат қилиб кун кечиршига одатланганди. Иккинчи бор Гўзал исмли аёлга никоҳ ўқитиб уйланиб олди. Янги Марғилон шахарчасида ноқонуний хотини ва бир қизчаси билан яшай бошлади.

Бу галги «гастрол» чўзилиб кетганидан хавотирланган Гўзалхон қариндошларининг, таниш-билишларининг уйлари, ишоналарига учраб, эрининг дарагини топа олмади. Орадан қирқ кунча ўтиб, милицияга чакиртиришганида юраги шув этди. Наҳотки, бирорта иш кўрсатиб, қамалиб қолган бўлса?! Еки... Нима бўлди экан, қандай бўлса тили айланмай қоларди. Мухаммадмин деса, биров танимас, «Петка қиморбоз»ни эса нафақат маҳалла-қўй, бутун шахарча отнинг қашиқасидай яхши биларди. Гавдали, барваста, ўзига бино кўйган қиморбоз ёши улуғларнинг насиҳатларини «пишириб есин», деб ўз билганидан қолмасди. Оқсоқоллардан бири «жаҳаннамга бошлайди бу» деганда, «пул билан ўриб, жаҳаннамнинг озгини ҳам беркитиб ташлайман» деб кулганди.

Сўнгги кунларда Петка Марғилон шахридан Қўштепа бозорига элтадиган Ал-Фарғоний кўчасидаги чойхона «пакка» қилиб олганди. Чойхона эгаси — собиқ милиция ходими Тоиржон Бозоров турмуш ўртоғи вафот этгач, иккинчи бор уйланиб, Янги Марғилон шахарчасида яшар, чойхонага гоҳи-гоҳида бирров кириб хабар олар, ҳамма ишни гумашта — Абдумажид Ҳакимов юргизарди. Чойхоначиликдан ташқари унинг олдидаги дўконда майда-қўйда сотарди. Илгари икки марта судланган Абдумажид хўжайиннинг ишончини қозонган

ди. Гарчи, Тоирака чойхонага қиморбозларни яқинлаштирмаслиқни тайинлаган бўлса-да, чойхоначи унча-мунча, майда-чуйда «гардкам»ларнинг карта, нард, шашқол ўйинларига кўз юмарди. Дам олиш учун, номига, ҳазил-ўйиннинг охири зил бўлиб чиқишини ўйламасди. «Нард»га ўзининг ҳам суяги йўқ, шу маҳаллада яшовчи, илгари судланди, қамқоқхонанинг ёвгон шўрвасини тотиб кўрган, тўрт йил аввал жазони ўтаб келиб, ҳеч қаерда ишламай, ота ҳовлисидан узум етиштириб тирикчилик қиладиган Каримжон доимий рақиб эди. Улар бекорчиликдан мижозлар камлигида вақт ўтказгани нард ўйнаб туришарди.

Август ойининг биринчи куни чойхонага Петка бир улфати билан ташриф буюрди. Абдумажид у билан ош-қатиқ бўлмаса-да, саргузаштларини эшитиб юрарди. Хурматини ўринга қўйиб, хизмат қилди. Гап орасида шеригининг лақаби «Қирғиз»лиги қўлоғига чалинди.

Петка минг сўм узатиб, битта арок, газак келтиришни сўради. Улар шашқолнинг озгини очганларида остонада Карим кўрди. Абдумажид ака билан одатдагидай куюқ сўрашди. Петка Каримни серпул деб эшитганди. Гуё ҳовлисидан узумдан миллион-миллион ишларимш. «Шилиб олсамми?» деб ҳаблидан кечирди, дастурхонга тақлиф қилди. Пиёлада арок узатди. Карим қўлини қайтармай, пиёлани бўшатди-ю, кўнгли беҳузур бўлиб, ташқарига юрди. Ховлига чиқиб ўқчиди. «Уэр, ёкмади», деди дастурхонга қайтиб ўтириб.

— Бир кўл «пирра» ташласак

ёқади, — деб кулди Петка. Карта ўйнаб ўтириб Карим уч минг сўмча пулини ютқазди.

— Бўлди, бас, — деб ўрнидан турди.

— Э, ўғил бола, шунга шунчами, менда сиздақа узузмзор бўлгандами, э-ҳа...

Петканинг «ўғил бола» деган сўзи ҳамиятига тегди.

— Ман карта ўйнамайман. Нардда гаплашавераман!

Улар нард ўйнаб, кунни кеч қилишди. Карим қимор пирининг бўйнига беш юз минг сўм қарзини олиб қўйди.

— Бўлар энди, — деди ўрнидан кўзгалди.

— Э, ўтиринг, охиригача ўйнайди, ўғил бола!

— Ҳа беш юз минг сизга «пандарка» — деди Карим ўйинга этагини қоқиб.

— Падаркейз, ўзизга сийлов, бўпти ҳозир шошайтган бўлсангиз, эртага қолган жойидан олаверамиз!

Петка «Қирғиз» ошнасини кузатиб, ўзи чойхонада ётиб қолди. Келаси куни Карим одатдагидай кечга яқин чойхонага кирди. Петка ён-бошлаб кутиб ётибди. Чойхонанинг энг катта хонасига кириб ўтиришди. Яна нард ўйнашга киришди. Петка рақибига яна ютқазиб, ҳовлиқтириб қўйганидан кейин, шашқол отишга кўндирди. Абдумажид уларнинг олдига овақат, чой олиб кириб турарди. Қизишиб кетишса, ҳақамлик қилиб, муросага келтирарди. Чойхонада учаласидан бошқа ҳеч ким қолмади. Чойхоначини уйку босиб, нариги хонага кириб ёнбошлади. «Миллионга ота-

ман» деган сўзлар қўлоғига чалинди. Бақир-чақирдан чўчиб ўғибон чикчанида, соат ўн икки эди.

— Йигирма миллионни узумни сотиб тўлайсанми, ўйингни сотасанми, мани қизиктирмайди, икки ҳафта муҳлат! — дерди Петка.

— Гирром ўйнадинг, гирром ютдинг, — дерди озидан кўпик сачратиб Карим. — Уйимга кўз олайтирма! Бўлмаса...

— Иккаланг ҳам ўпкангчи бос! — орага тушди Абдумажид. — Етти маҳаллага эшиттириб бақирсанлар, энангни уйимми? Учасковой посбонлари билан етиб келсанми, бақир-чақирингга?! Дамингни чикармай ўйнасанг ўйна, бўлмаса йигиштир!

Абдумажиднинг иккаласидан ҳам ёши катта, қолаверса, баланддан келиши таъсир қилиб, селнашаётганлар яна сизлашга ўтмишди. Чойхоначи қайтиб кириб, жойига ётди.

Эз кунлари узун, туллари қисқа. Тонг ёришган, ҳамаси соат тўртлар. Қиморбозлар яна гап таллашиб ёқалашди. Бир мушт еб дераза раҳига суяниб қолган Каримнинг кўзи чопкига тушди. Шарта уни чангаллаб, ҳезланиб келаётган Петканинг бошига солиди. У чап берганди, ўткир қирраси бўйнига урилди. «Мана сенга йигирма миллион, мана!» Карим бўйинини чангаллаб йикилган Петканинг бошига яна икки-уч бор дастакла билан солиди. Билақларига, бетига қон сачради. Карим ховлига чиқиб, юз-қўлини ювиб келди. Абдумажидни уйғотди. «Петкани чопиб ташладим!»

— Булар иш бўпти, — деди совуқ-қонлик билан чойхоначи. — Қон изларини ювиб ташланг! Хонани қўлғаб қўйиш керак. Кеч қирсин,

бир гап бўлар...

Абдумажид жасад ётган хонани қўлғаб, Каримни бозорга олиб кетди. Кечгача гуё ҳеч нарса бўлмагандай мижозларга хизмат қиладиганди. Карим ҳам чойхонадан жилмай, кунни кеч қилди. Кечаси ҳеч ким қолмагач, чойхона ҳовлисидан бир ярим метр чўқуриқда «қабр» қазишди. Сўнг жасадни чўқурга олиб чиқиб ташлашди. Карим устидан тупроқ тортиб, теккислади...

Каримнинг юраги така-пука, ҳали замон қотиллиги фош бўлиб қўлга тушадигандай, ҳар нарсадан ҳадик-сирайдиган бўлиб қолганди. Тоир ака чойхонани сотмоқчи экан, деган гап қўлоғига чалинди-ю, назарида чойхонанинг янги эгаси «бу нима» деб, тупроғи қотишга улгурмаган чўқурни қаздирадиган, жасадни топиб, бўйнидан тутиб берадигандай туюлаверди. Петкани сўнгги марта у билан қимор ўйнаб ўтирганини кўрганлар бор. Улик чикса, биринчи ундан гумонсирашади. Жасаддан қўтулиш керак. Орадан бир ояча ўтиб, сентябр бошида у дардини жиний шеригига айтди. Тунда Абдумажид жасадни қазиб олишга ёрдамлашди.

Чойхона ёнида девор урилган томорқа ер бўлиб, унда ҳеч ким яшамасди. Карим билан Абдумажид ана шу ховлига жасадни олиб киришди. Карим жасадга ўт қўйди. Тонг яқин, кўнаса хид одамлар эйтибборини тортишдан хавфсираб, чала ёнган жасаднинг оловини ўчириб, устига картон қозғалар ташлаб, яшириб қўйди. Ярим тунда эса баллон топиб келиб, жасадни унинг устига ётқизиш, яна ўт қўйишди. Петканинг жасадни ўтда қўйиб қўл бўлди.

...Чойхона хоналаридан бирининг шипи, деворидан қонга ўхшаш қизғиш доғлар жиноят қилдирув бўлими ҳодимларнинг эйтиборини тортиди. Чойхоначи Абдумажид Ҳакимов ваҳимага тушиб, бўлган воқеани сўзлаб берди. Чойхона ҳовлисиданги чўқур қовланиб топилган бир тутам соч толалари, кимсасиз томорқа-ховлидаги қўйдирилган баллон қолдиқлари орасидан олинган экспертиза хулосасига қўра битта одамга тегишли бир неча суяк бўлақлари, чойхонадаги чопки, жасадни ховлига кўтариб ўтишда қотил ва шериги фойдаланган нарвон каби ашёвий далиллар Карим Тўйчиевни ҳам тилга қирғизди.

Қимордаги шеригини жаҳаннамга йўллаган Карим Тўйчиев ундан ўтса-ўтадиган, лекин кам бўлмаган жазога тортилди. Суд уни узок муддатга озоликдан маҳрум этишга ҳукм қилди.

Улуғбек БАХТИЁРОВ,
Фаргона вилоят
прокуратурасининг катта
терговчиси

QILMISH — QIDIRMISH

Дунёда ўғирликнинг ҳам тури кўп. Пул ўгриси, мол ўгриси, машина, қимматбаҳо тақинчоқлар ва ҳоказо. Аммо ит ўғирлари жуда камдан-кам учраса керак. Эшитган қулқоққа ажабланарли-да. Кўча тўла ит бўлса, шунга ҳам ўғирлик-ми, дейишингиз мумкин. Бироқ гап итда эмас, балки унинг қийматида экан. Бу қийматни ит савдоси билан шуғулланувчилар жуда яхши билишлари аниқ. Куйидаги воқеа ана шундай савдо билан қизиқиб қолган кимсаннинг қилмишлари хусусида.

— Кучугинг зўр-ку, — деди Омон кўчада итини сайр қилдириб юрган болакайга.

— Ҳм, — болакай мактовдан эриб, итининг бўйнидаги занжирдан тортиб қўйди.

— Исми нима?

— Қоплон.

— Ўзингники-чи?

— Сухроб.

— Ай, молодец, Сухроб.

Кучугинг билан бир пойга қўймаймизми?

Болакай унинг гапига тушунмай кўзларини пирпиратди. Омон тушунтирди:

— Мундай қиламиз. Мен

БЕШ ЮЗ МИНГЛИК ИТ

қочаман сен итинг билан қўллайсан.

Сухроб бироз иккиланди. Сўнг итининг уни қувиб етиши қизиқ туюлди шекилли, рози бўлди:

— Майли.

Омон олдинига бироз лўқиллаб, кейин жон-жаҳди билан чопа бошлади. Ит ҳам ундан қўлишмади. Эгаси «ол» дейиши билан шамолдек олиб, унинг ортидан

қувлади. Сухроб етолмади. Занжирни қўйиб юбориб, уларнинг изидан қорам-қора югурди. Анча югуришди. Бир пайт кўп қаватли уйлар олдида қичиб қолишди. Омон тўхтаб итининг бошини силарди. Сухробнинг етиб келишини кутди.

— Исиб кетдим, — деди Сухроб ҳарсиллаб етиб келгач.

— Чопонингни ечиб қўй.

Сухроб чопонини ечди.

— Бер менга, кўтаришаман.

Яна бироз юришди.

— Мен манови уйга кириб

чиқаман, — деди Омон кўп қаватли уйлاردан бирин кўрсатиб.

— Сен шу ерда кутиб тур.

— Ҳўп.

— Айтгани итингни бериб тур.

Жўрамга бир мактанай.

— Тез чиқасизми?

— Ҳа, ҳа жуда тез чиқаман.

Омон нархи беш юз минглик

ит билан ўн минг сўмлик



чопонни осонгина қўлга киритганидан севиниб, подьездга югуриб кириб кетди. Бошқа у ердан қайтиб чиқмади. Сухроб анча кутди. Сўнг йиғлаб ортига қайтди...

Омон шу билан тинчмади. Қарши шахридаги Й.Умаров номли кўчада яшовчи таниши Саломов Байрамалиниқидан бирор нарса ўмарши мақсадида унингга йўл олди. Ва мақсадида етди ҳам. Танишининг маст бўлиб қолганлигидан фойдаланиб, унинг «SHIWAKI» русумли видеокилиги, жемфери, туфлиси ва чарм камзулини олиб, бу ердан жуфтаникни ростлади. Аммо уларни пуллашга улгурмади. Сири фож бўлиб, қора қилмишлари уни қора курси томон етаклади. Уғрилиқни ўзига қасб қилиб олган О.Мухторов энди қилмишига яраша жазо олиши тайин.

Н.КУТФИДДИНОВ,
Қарши шахар
прокурорининг катта
ёрдамчиси

QAHRAMONLARIMIZ

Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига оғир қулфатлар келтирди. Бу уруш дунёнинг 60 дан ортқ мамлакатини, ер юзи аҳолисининг қарийб 80 фоизини ўз домига тортиди. Урушда 70 млн.га яқин киши ҳалок бўлди, унинг 30 млн.га яқини собиқ СССРдан эди. Бундан ташқари, 100 млн.дан ортқ киши турли хил жароҳатлар олди, бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолди. Инсониятга етказилган умумий зарар эса 3,3-4 триллион АҚШ долларига тенг эди.

Уруш қурбонлари орасида эндигина мўйлаби сабза уриб, қуч-қудрати тўлиб бораётган, миллатим, она юртим учун хизмат қиламан деб яхши ниятлар билан яшаётган минглаб ўзбек йигитлари ҳам бор эди.

Халқимизнинг Ботир Бобоев, Ботир Эргашев, Собир Раҳимов, Қудрат Сууюнов, Тўйчи Эрийитов, Мамадали Топиболдиев, Зебо Ганиева, Роза Иброҳимова, Собира Маждивова, Солиҳ Умаров, Лукмон Уроков каби минглаб асил фарзандлари жанггоҳларда кўрсатган қаҳрамонликлари билан эл оғзига достон бўлди.

ORAMIZDAGI ODAMLAR

«ТЯНЬ-ШИ» ДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНИ

Лекин... сабр-тоқат билан бу кўнгирокни бир ой кутдим, кейин Татьяна Николаевна «Кумри опанинг айтганларига қўшимча бирон гапи йўқлигини» ўзим кўнгирок қилганимдан сўнг маълум қилди».

«Тянь-ши» билан боғлиқ воқеаларнинг энг қисқа тафсилоти мана шулар, синглим. Ишқилиб, дугонангиз ҳам каттароқ пулга тушмабдими? Нима бўлгандаём, бу ёнга эҳтиёт бўлинг!

Кечикиб тушунганим яна бир ҳақиқатни айтишим?

Аслида, дунё тиббиётининг отаси бизнинг аждодларимиздан чиққан-ку! Абу Али ибн Сино мана шу тупроқ, мана шу тоғу тошларда, адирларда ўсган гиёҳлар, ўт-ўланлардан дори-дармонлар тайёрлаб, тажрибасини жилд-жилд китоб қилиб ёзиб кетган-ку! Дунё тиббиёти ҳануз ўша китоблардан фойдаланади. Ана шу доривор ўсимликлар ҳамон бор, улардан фойдаланиб шифо топаётганлар оз эмас. Мен ҳам ўзим билмаган, синамаган корпорациянинг чиройли қоғозга ўралган махсулотларига маҳлиё бўлмай, Ибн Синонинг китобларини ўқисам, билганлардан сўраб гиёҳлардан фойдалансам бўлмасмиди?

Мен ҳозир сизга «эҳтиёт бўлинглар» деган тарзда бу гапларни айтаялману, яна бир хатомини тан олиб турибман. Биз — катталар, гарчи ёшимиз улгурок эса-да, бир нечта қўйлақни ортироқ йиритган бўлсак-да, бугунги кун воқеалари билан боғлиқ ҳолатларда ёшларнинг фикрига ҳам қулоқ солишимиз керак экан.

«Мен бундай эртакларга, айниқса, осон пул келишига ишонмайман», — деганди ўғлим. Яна унинг битта гапи бор: «Қай бир нарсани мактаб жуда кўп тарғиб-ташвиқ қилсалар, ўша нарсанинг ихшилигига ишонманг. Чунки яхши нарса ҳаётда мактаб сотиш ёки мактаб бировларга ўтказишга муқтож эмас».

Биласизми, воқеаларни айтиб берганимга юрагим оғри бошлаганди. Сўхбатимиз якунида ўғлимнинг гаплари ёдимга тушгани яхши бўлди, энгил тортидим. Ешлар биздан кўра зийрак, мулоҳазакор бўлса, яхши-да! Жамиятимизда нохушлиқлар, бизга ўхшаб оғзидagi ошминьям олдириб қўядиганлар камаяди.

ХОТИМА ЎРНИДА

Кейинги пайтларда шаклу шамойилидан тортиб мазмун-моҳият (Охири. Боши ўтган сонларда).

УШИНЧИ ФРОНТ БЎЛАГАНМИ? УШИНЧИ ФРОНТ БЎЛГАНМИ?

Иккинчи жаҳон урушининг яна бир характерли томони шунда эдики, унда учинчи — кўринмас фронт ҳам бор эди. Бу йўналишда асосан разведкачи-чекислар фаолият кўрсатди. Бугун биз ўзга мамлакатларда фашистларнинг режаларини барбод қилиш учун факуллода мураккаб шароитда қаҳрамонлик кўрсатган, сўнгги нафасигача галаба учун курашган разведкачилар Рихард Зорге, Николай Кўзнецов, полковник Абел ва бошқалар сафида ўзбек халқининг садоқатли фарзанди Баҳром Иброҳимов ҳам бўлганлигидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Хўш, «Маҳмудбек Содиқов», «Ойқорли» номлари билан бир қанча Шарқ мамлакатларида разведка фаолияти билан шуғулланган ўзбек фарзанди аслида ким эди? Баҳром Иброҳимов 1908 йилда ҳозирги Жиззах вилояти Бахмал туманидаги қишлоқлардан бирида камбағал деҳқон оиласида туғилган. 14 ёшида отасидан ажралиб қолган ёш Баҳром оила ташвишларини ўз бўйинига

олди. Мактабда ўқиди, интернатда таълим олди. Сўнг Самарқанд педагогика билим юртини тамомлади. У ўқитувчилик билан бирга шеър ҳам ёзарди. Шеърлари матбуотда тез-тез чиқиб турди. Ўз устида мунтазам ишлаш, она тилидан ташқари рус, урду, пушту, турк тилларини пухта билиш унинг маънавиятини, дунёқарадини бойитиш, камолот сари етаклади.

Бу ҳол унга катта ҳурмат ва ишонч келтирди. Натихада зуқо, билимли ва букилмас иродали Б. Иброҳимов навқирон ёшида чекислик ишига тортилди. У ўзининг кўндаликларида бу кунларни эслаб: «...бундан кўп йиллар аввал, ҳали Иккинчи жаҳон уруши бошланмасиданоқ разведка хизмати билан чегара ортига ўтказилгандим. Ватанимнинг махсус топшириқларини бажариш учун умримнинг 23 йили сарф бўлди...» деб ёзган эди.

Ҳа, бу салкам чорак асрлик умр «Маҳмудбек» учун анча машаққатли бўлди. Дарҳақиқат, ёш ичига кириш, хечқандай сир бермай у билан дўстлашиш, ишончини қозониш, халқи, Ватани учун ҳаётини қурб остига қўйиб бўлса-да, душман сирларидан воқиф

бўлиш, унинг режаларини барбод қилиш осон эмас эди.

Урушнинг бошларида Қобул ва Афғонистоннинг юртимизга чегарадош шимолги ҳудудларида фаолият юритган фашистларнинг Расмус бошчилигидаги разведка гуруҳи Ўзбекистонда, умуман Урта Осиёда катта террорчилик операцияларини ўтказиш устида иш олиб борган эди. Баҳром Иброҳимов фашистларнинг бундай қора ниятини фош қилиб, юртимизнинг тинчлигини сақлаб қолишга катта ҳисса қўшди.

«Маҳмудбек» гарчи махсус разведкачилик мактабда ўқимаган бўлса-да, Ватан иши билан яшаб, бу борда катта тажриба тўплади. Бир вақтнинг ўзига турк, япон, немис, инглиз ва Америка разведкачиси «хизмат қилди». Бу кунлари Баҳром Иброҳимов кундаликларида: «...ўёқдан тирик қайтамаслигим мумкинлигини идрок қилардим. Аммо Ватанимнинг тинчлиги, халқимнинг осийишталиги оғир синовларга бардош беришимга, олдимга қўйилган мураккаб вазифаларни урдалашимга ёрдам берди...» деб эслаб ўтган эди.

Ҳа, машҳур разведкачилардан

қолишмайдиган «Маҳмудбек Содиқов» — Баҳром Иброҳимовнинг ҳаёти, мardдлиги ва жасорати таҳсилларга сазовор бўлиб, ёш авлодни миллий гурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

1955 йилдан тинч меҳнатга қайтиб «Ўзбекистони сурх» газетасида маданият бўлими бошлиги, катта муҳаррир бўлган Баҳром Иброҳимов 1968 йилдан умрининг охиригача ЎзФА Шарқшунослик институтида катта илмий ходим бўлиб ишлади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўта хавфли — кўринмас фронтда самарали фаолият кўрсатган Баҳром Иброҳимов 1978 йили 70 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

Унинг миллат ва Ватан олдидаги хизматлари исзис кетмади. Ҳозиргача у ҳақида Борис Пармузининг «Злость чужих ветров» романи, Абдулла Ҳакимовнинг «Задание на всю жизнь» номли қиссаси, кўплаб очерк ва мақолалар чоп этилди.

Ватанимнинг бир неча юксак ордени ва медаллари соҳиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳром Иброҳимовнинг хотираси унинг дўстлари, фарзандлари, набиралари ва халқимиз хотирасида абадий яшайди.

Искандар ҲАЙИТОВ, Абдуллажон НАСРИДИНОВ, Тошкент тўқимачилик ва энгил санаят институти кафедра мудири



ЎЗИНИНГГА ЭХТИЁТ БЎЛ...

ЁКИ ҚОНУНЛАРГА ЭЪТИБОРСИЗЛИКНИНГ АЧЧИҚ САБОҚЛАРИ

ёзишга ҳаракат қилганимни ҳисобга олмаганда ўзимдан бирор гап қўшмадим. Ҳатто биринчи кеча кичик чикарган хулосаларини ҳам сўхбатдошимнинг ўзи яқун қилди.

«ТЎҒРИМАНИ» ДЕБ ЛОФ УРАКАН ЎҒРИ...

— Энг аввал ҳаётда одам танлашда адашмаслик керак экан, — деб гап бошлади у. — Юқориди бошимга тушган кўргуликларнинг бош сабаби ҳар қандай одамнинг гапига лаққа ишонини, унинг тили билан дили мосми-йўқми, шу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаслигим эканлигини айтгандим. Менга ўхшаб бировларнинг гапига, ваъдасига, жуда ҳақиқаттўғи ёки пок эканлиги ҳақидаги оташин сўзларига ишониб алданиб қолаётганлар оз эмас. Лекин ақл билан мулоҳаза юритиб, тўғри ҳулоса чиқаришга ундайдиган ҳолатлар ҳаммаша топиладикан.

Биринчи воқеа, яъни марказдаги бир хоним уйини раҳимдиллик билан ҳамкасбимга ҳужжатлаштириб бериб, ундан ҳатто «Раҳмат, сиз сабабли бошпалани бўлиб қолдим» деган гапниям

эшитмаганимдан кейин ҳаёлимга айрим воқеалар кела бошлади.

— Уйимизга боргандим, — деганди бир кун ишонхонада ўша ҳамкасбим, қиш фасли эди. — Оёғимдаги этигимнинг тағидан сув ўтаётди. Онам бир этик олиб қўйган, лекин менга бермади, укамнинг хотини — келинимизга кийдириб қўйди...

Агар менинг ақлим бўлганда, шу гапининг ўзидан ҳам жуда муҳим хулоса чиқаришим мумкин экан. Яъни: ҳар қандай она ҳар қандай шароитда биринчи навбатда ўз фарзандига яхшилик қилади. Қизининг оёғидаги этик тешик бўлса-ю, она уни шу аҳволда узокдаги шаҳарга жўнатиб, янги этикни келинига кийдириб қўйишининг сабаби нима экан деб ўйлаб кўрганымда, тахлил қилганимда, ақлли одамлар билан маслаҳатлашганимда, «Ўзининг онаси битта этикка олманган одамга ўйни хатлаб беришни ўйлаб қўриш керак» деган мулоҳаза туғилиши мумкинми...

Ёки иккинчи воқеа, 200 миң сўмликка яқин атласни Фарида: «Жиянимни эри ташлаб кетибди, унга берсам, сотиб нон пули чи-

қарса майлими?» — деди-ю, эртасига: «Атласни бериб юбордим, эри билан келиб олиб кетди» — деганди кечаги гапи билан бугунгиси тўғри келмаётганини, бундан сўнг ҳам яна ёлгон қўйишлигини англаб, ўша куниеқ атласни ё қайтариб олсам, ё олганлиги ҳақида тилхат ёздириб қўйсам бўларди-ку!

Яна бир гап: Фариданинг уйда кўпинча бир эркак ўтирарди. Зарур иши чиқиб телефон қилса ҳам дарров етиб келарди. «Эримнинг оғайниси, — дерди менга Фарида, — доим ёрдам бериб туради. Эрим шуни тайинлаб кетган...»

Тўғри, бу гапдан бироз ҳайрон бўлардим, «Қандай эр-ки, бошқа бир эркакка доимо уйда, хотинининг олдида бўлишга рухсат бериб қўйибди?» деган савол кўнглимдан ўтарди-ю, лекин «Эҳтимол, булар шу қадар самимий кадрдондир» деб тушунишга ҳаракат қилардим.

Кейин ана шу шубҳам бежиз эмаслиги тасдиқланди, Фариданинг эри ҳақидаги гаплари тўқима экан. Ёки яна бир «кўрға ҳасса» дегандек далил: Фарида гапларида ўзини жуда юқори лавозимли кишиларга яқин қилиб кўрсатар-

ди. Ҳатто уларнинг қабулида бўлиб, маслаҳатлар бергани, унинг маслаҳати жуда маъқул тушганини айтиб, яқинда ўзи ҳам юқори лавозимга тайинланиши режалаштириблётганини маълум қиларди. Гапининг очиги, унинг мутахассислик даражаси ва имкониятидан хабардор бўлган одам учун бу гаплар қулгили туюларди-ю... шуларни кўриб, билиб туриб яна Фариданига ишонавериб мен каби лажмаларнинг шўрига тўқилган шўрва бўлса керак.

Мен сизга бошимдан ўтган уч воқеани санокли соатларда сўзлаб бердим. Лекин уларнинг ҳар бирини яшаб ўтганимга кечирган нотинчликларим, изтиробу асабийликлар, фарзандларимга, оиламга, яхши одамларга сарфлашим мумкин бўлган қанча моддий, маънавий имкониятнинг гўёки шамолга совурилди. Шунинг учун ҳам сизга сўзлаб бердимки, зора буларни ўқиган, эшитганлар ҳушёр тортсалар. Чунки ҳийлагар, нопок одамлар шу қадар устамон бўлар эканки, содда-ю ишонувчан кишилар уларнинг тузоғига қандай илинганини билмай қоларкан.

Гулгун СУЛТОНОВА ёзиб олди

TO'RTINCHI HOKIMIYAT HAQIDA SO'Z

Тўртинчи ҳокимият номи билан талқин этилаётган ҳозирги матбуот билан совет даври матбуоти таққосланганда бугунги ОАВ ижтимоий ҳаётимизнинг энг фаол тизимига айланганига ғувоҳ бўлиш мумкин.

Ўзининг кундалик турмушида дастуриламал сифатида қўлайди. Демак, матбуот фақат фуқароларнинг фикрини шакллантирибгина қолмай, кишиларни фаол ҳаракатга ҳам ундайди.

Бугунги кунда Бухоро вилоят про-

сабаб бўлаяпти. Аксарият кишилар матбуот хабарларини

этилиш эҳтимоли бор жиноятларнинг олдини олишда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Вилоят прокуратурасининг телевидение ва матбуот билан ҳамкорлиги тобора яхшиланиб бораёпти.

Айниқса, телевидениенинг таъсир кучи катталги, барча хонадонларга кириб боришини ҳисобга олган ҳолда «Ўзбекистон» каналининг «Ахборот» ва «Ёшлар» каналининг «Давр» дас-

TO'YXAT

ТАБАРРУК ЁШ МУБОРАК



Вақтни ҳеч ким тўхтатиб қололмайди. Кун, ой, йилларни ортда қолдириб вақт чархалаги айланаверади. Утган кунларни эслар эканмиз, улар худди кечагидек хотирамизда гавдаланади.

1914 йили Россияда туғилган, кейинчалик Ўзбекистонга келиб, шу ерда камолга етган Вағиз Аглиуловни ана шундай инсонлар тоифасига киришиш мумкин.

В.Аглиулов прокуратура органларидаги фаолиятини 1937 йилда Ҳазорасп туман прокуратурасининг терговчилигидан бошлаган.

Вилоят прокуратураси муассислигида чоп этилаётган «Адолат нури» газетаси ҳуқуқий-оммабоп нашр сифатида кўпчилиكنинг эътирофига сазовор бўлаяпти.

Фурсатдан фойдаланиб матбуот ходимларини касб байрами билан табриқлаб, ҳақ сўзни айтишда ҳамма вақт жасоратли бўлишларини тилаймиз.

Бобур СОБИРОВ, Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

меҳнат қилди. Қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда жонбослик кўрсатди.

Ҳозир Вағиз Аглиулов Самарқандда фарзандлари ва набиралари курашуварида қарилки гаштини сурмоқда. Яқинда Вағиз оға 90 ёшни қарши олади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси раҳбарияти, фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази

МАТБУОТ — ИЖТИМОИЙ ФИКР МАЙДОНИ



куратураси органлари тизимасига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, ОАВ билан ҳамкорликни асосан куйидаги йўналишларда амалга оширмоқда.

Биринчидан, прокуратура органлари томонидан аниқланаётган қонунбузилиш ҳолатларини ОАВда ёритиш орқали фуқароларда даъвогарлик ҳиссини уйғотишга ва турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга эришишмоқда.

Иккинчидан, фуқароларга қонунлар, президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг моҳиятини тушунтиришда ОАВ яқин кўмақдош бўлаяпти.

Учинчидан, халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида прокурорлик назорати билан боғлиқ текширишлар жараёнида аниқланаётган қонунбузилиш ҳолатлари қандай бўлса шундайлиги ҳақ ёритилишмоқда.

турида қўллаб чиқишлар қилаёғимиз. Бухоро вилоят телевидениесида «Қонун ва ижро», «Жиноятта жазо муқаррар», «Ҳуқуқ сабоқлари», «Тафсилот» ва «Репортёр» каби кўрсатувлар доимий равишда тайёрланиб, эфирга узатишмоқда.

Вилоят прокуратураси муассислигида чоп этилаётган «Адолат нури» газетаси ҳуқуқий-оммабоп нашр сифатида кўпчилиكنинг эътирофига сазовор бўлаяпти.

Қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий билимни бўлиш ҳаётий эҳтиёжга айланган экан, прокуратура ва ОАВ ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бораёверади.

Бобур СОБИРОВ, Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси



XX аср муъажизалари

EL SOG'IG'I YO' LIDA

74 ёшли Худоев бобо Урганч шаҳридаги уйда беморларни тигиз, халқ табobati ассиди даволайди.

— 12 ёшли қизим Меҳрибоннинг танасида оқ доғлар бор эди. Худоев ака муолажа қилгач, доғлар тезда йўқолди.

Шунингдек, Шовот туманида яшовчи Ш.Қурънова зоб касаллигининг оғир формаси билан оғриганди. Беморни Х.Оллоёров даволади.

Яна бир бемор Р.Осупов ўн икки бармоқли ичак яраси билан оғриганда унга вилоят шифохонасида фақат операция йўли билан даволасаккина тузаласи дейишган.

БЕМОРЛАРНИ АКАДЕМИК ДАВОЛАЙДИ

бобо гиёҳлар билан даволаганда яралари битиб, беш килоча семирган. Шу каби қўшқўпирлик простата бези билан хасталанган Ж.Собиров, янгиариқлик умуртка касаллиги билан оғриб тўшакка миҳланган Д.Қосимова, қўшқўпирлик Ж.Мадридмовлар гиёҳлар билан даволангач, соғайиб кетдилар.

— Заминимиздаги ҳар бир гиёҳ инсон танасидаги бирор дардга шифо бўлади. Афсуски, одамлар уларнинг ҳаммасини билишга қодир эмас.

Домла зоб, простата бези, корин чурраси, гепатит, қулқоқ, бурун ва томоқ, нафас йўллари,

ошқозон ва ичак, асаб тизими хасталикларини халқ табobati усулида даволайди. Уткир ағлилганган томоқ оғригини пиширилган анор шарбатига асал аралаштириб даволаш усули қўллаб беморларнинг дарддан фориғ бўлишига сабаб бўлмоқда.

Х.Оллоёров болалигидан илмга чанқок бўлгани боис 7-синфи тугатиб, ўрта маълумот олган. Сўнг эса Самарқанд тиббиёт институти татомлағач Хивадаги қишлоқ врачлик пунктида ишлаган.

Академиклик — барча фан ходимлари ҳавас қиладиган, аммо ҳаммагаям насиб этавермайдиган илмий унвон. Шу боис академикларни нуфузли илмий даргоҳларда ишлайди дея тасаввур қилишга ўрганиб қолганмиз.

Аммо ЮНЕСКО халқаро ахборот академиясининг ҳақиқий аъзоси Худоев Оллоёров юртимизнинг чекка бир ҳудудидида яшаб меҳнат қилди. Албатта, қаерда қайси иш билан шугулланиш ҳар кимнинг ўз ҳуқуқи.

У «Ўрта Осиё халқ табobati тарихи» мавзусида докторлик диссертациясини ёклаган. 1993 йил 22 июнда ЮНЕСКО халқаро ахборот академиясининг ҳақиқий аъзоллигига сайланган.

Ана шундай дунёга машҳур олим Худоев Оллоёров халқ табobati илмий тадқиқ қилиш, шогирдлар тайёрлаб, беморларнинг соғайишига ҳиссасини қўшиш мақсадида Хоразм халқ табobati марказини ташкил этишга ҳаракат қилаёпти.

— Ҳозир вилоятда 50 га яқин халқ табobatiда қўлласа бўладиган ўсимлик бор. Ўрганиб, излашни олиб борилса, уларнинг сонини 100 гага чиқариш, 95 фоиз доривор гиёҳларини шу ерда ўстириш мумкин.

Умид БЕКМУҲАММАД, тадқиқотчи

HUQUQ yuridik gazeta. Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Abdullolliq ABDURAZZOQOV. Tahrir hay'ati: Bahridin VALIYEV, Azimjon ERGASHEV, Dilshod ISLOMOV

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66. Telefon: 133-82-34, 133-64-72

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Gazetaning no'yxatidan o'tish tartibi: N 023. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Buyurtma G — 668. 15751 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi: «HUQUQ» original maketi. D.XALLOV, A.MUSTAFOYEVA

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda